O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 3-iyun, 2009-yil • №23 (627) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Бу маскандаги жўшқин ва қувноқ ҳаёт қўйнига кириб қолгудек бўлсангиз, энг аввало, келажагимиз қалдирғочлари бўлмиш бир-биридан ширин болакайлар учун муҳайё қилинган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнаши шубҳасиз.

➪ 3-бет

ДИД ВА МЕЪЁР

"Бир марта кўрса бўлади". Аслида, бу жуда мавҳум баҳо. Асар бир марта нафас олди-ю, жон берди, яшаб кетолмади! Бунақада ижод маҳсулининг абадийлиги ҳақида, умуминсонийлик, мумтозлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?



➪ 6-бет

"АСАР БОР-У ТАНҚИДЧИ ЙЎҚ"

Шеъриятимизни инкор этмаган ҳолда айтаман: айрим таниқли шоирларимизнинг шеърияти чўзиқлиги, ялангочлиги, риторикага бойлиги билан ўқувчини зериктириб қўяётир. Бекорга Абдулҳамид Чўлпон "Кўнгил бошқа нарса — янгилик қидиради" демаган эди. Шеърият ҳам вақти-вақти билан янгиланиб туради-да.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифининг учинчи куни — 29 майда Рио-де-Жанейро шаҳрига ташриф буюриб, шаҳар мэри Эдуарду Паэс билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Бразилия ўртасида шаҳарсозлик, қадимий обидаларни асраб-авайлаш ва ободонлаштириш, сайёҳларни жалб қилиш, шаҳар инфратузилмасини такомиллаштириш, шаҳарлараро бевосита ҳамкорлик ва тажриба алмашинини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Учрашув якунида Тошкент ва Рио-де-Жанейро шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.**

■ 1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш чоғида фидойилик ва мардлик намунасини кўрсатган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

■ **Юртимизда меҳмон бўлиб турган Бельгия Қироллиги сенатори, "Бельгия — Ўзбекистон" парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ив Летерм 1 июнь куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.**

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Буюк Британия Кент шаҳзодаси Майкл раҳбарлигидаги делегация 27 май куни Тошкент Халқаро Вестминстер университетида бўлиб, мазкур олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

БУНЁДКОРЛИК

БУ ЙЎЛЛАР ЖАҲОНГА ЭЛТАДИ



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тобора чуқурлашиб, кўпгина давлатларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Инқироздан дунё иқтисодиёти билан интеграциялашган тараққий топган мамлакатлар, айниқса, жиддий зарар кўраяпти. Уларнинг айримлари беғараз кўмак ёки кредит сўраб жаҳондаги нуфузли халқаро молия ташкилотларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Лекин инқироз оқибатларини бутунлай бартараф этиш осон кечмаяпти. Ҳатто ўз маҳсулотлари билан дунёга машҳур бўлган, ҳар йили бир неча юз миллион ёки ўнлаб миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда оладиган компания ва корпорациялар ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини, ишчилар сонини қисқартираётганини маълум қилмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсат, иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, хусусан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури бўҳроннинг олдини олиш, унинг салбий таъсирини камайтиришга ишонч уйғотади. Ушбу дастур мазмун-моҳиятига кўра, ўтган даврда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, молия-банк тизимини мустаҳкамлаш, замонавий бозор механизмларини, институтлари ва инфратузилмани шакллантириш йўлида бажарилган улкан бунёдкорлик ишларининг мантиқий давомидир.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўллаган табрик хатида Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ўзбекистон иқтисодиётининг сўнгги йилларидаги изчил ва барқарор ривожланиши биз танлаган тараққиёт моделининг ҳаётий ва самарали эканини кўрсатмоқда. Охирги беш йил давомида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ўртача 8 фоизга ошди ва 2009 йилнинг биринчи чорагида 7,9 фоизни ташкил этди, Халқаро валюта жамғармаси прогнозларига кўра, бу кўрсаткич жорий йилда 7 фоиздан кам бўлмаслиги кутилмоқда".

(Давоми 3-бетда)

АНЖУМАН

Ижодий уюшманинг беш йиллик сарҳисоби

Яқинда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда уюшманинг ўтган беш йил мобайнидаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Тадбирда қатнашган "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари бош муҳаррири Ў.Раҳматов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири А.Иванова, "Ишонч" — "Доверие" газеталари бош муҳаррири А.Абдураззоқов, "Еркин Қорақалпақстан" — "Вести Каракалпакистана" газеталари бош муҳаррири К.Каримов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ёшлар" телерадиоканали директори Х.Нуриддинов ва бошқалар Юртбошимиз томонидан оммавий ахборот воситаларининг давр талабларига жавоб берадиган эркин минбарга айланиши, миллий манфаатларимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасидаги холис воситачи сифатида фаолият кўрсатиши учун барча имкониятлар яратиб берилганини таъкидладилар.

Шунингдек, иштирокчилар миллий журналистикамиз ривожи ҳамда соҳа ходимларининг мустақил ва холис фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам катта ҳисса қўшиб келаётганини алоҳида эътироф этдилар.

Конференция якунида уюшманинг келгусидаги режалари белгилаб олинди ҳамда Ш.Ғуломов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси этиб қайта сайланди.

Ўз мухбиримиз

ТААССУФ

МАҲАЛЛАДАГИ ЮЛҒИЧЛИК

ёхуд исми бор-у ўзи йўқларга нафақалар тайинлангани ҳақида

Халқимизда ажойиб нақл бор, "Кўза кунда эмас, кунида синади". Дарҳақиқат, қанчалар тўғри топиб айтилган ҳикматли сўз бу. Йўқса, қаҳрамонимиз Алишер Қувноқовга ўхшаган — бировнинг ҳақига кўз олайтиришни канда қилмайдиган, ўз жиғилдони йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шоввозларнинг "кўза"си синмаса, ҳакалак отган нафсини қондириш учун яна нималарни ўйлаб топмасди дейсиз?!

— Бундан 5 йил олдин маҳаллага котиб бўлиб келганида шу ёшгина йигит шундай масъулиятли вазифани қандай эпларкин-а, деб ўйлагандим, — дейди Мирзачўл туманидаги "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний, маърифий-маънавий ишлар бўйича маслаҳатчиси Шарбат опа Ёқубова. — Маҳалламизда 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан май ойида 16-18 ёшгача болалари бўлган аёлларнинг 135 нафарига нафақа пули (5209832 сўм) тайинланган. 2 ёшгача боласига нафақа оладиган аёллар сони 120 нафардан иборат бўлиб, улар оладиган жами пул миқдори 6785680 сўм бўлса, маҳалладаги 31 нафар кишига моддий ёрдам сифатида 930000 сўм тарқатилиши тўлов рўйхатида кўрсатилган.

Ҳамма гап ана шу рўйхат — "ведомост"ларда десак ишонаверинг. Аллақачон ўз ишининг "уста"сига айланиб улгурган Алишер Қувноқов ва унинг "паноҳгоҳи" маҳалла раисаси Бўтакўз Қалдарбекова (яқинда ишдан бўшатилган)нинг ишларини бекаму-кўст ниҳоясига етказишга уринаётган котибнинг фаолияти хайрли хотима топиши душворга ўхшайди. Негаки, Алишернинг ишларида қандайдир қинғирликни сезиб юрганларнинг гапларида жон бор экан. Қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фуқароларга тўланадиган пуллар қайд этилган ведомостларни кўтариб Шарбат опа ҳамроҳлигида нафақа олувчиларнинг манзилига отландик. Дастлаб Валихонова кўчасидаги 21-уйнинг 1-хонадони дея кўрсатилган 2 ёшгача нафақа олувчи Рўзагул Исаевани йўқладик. Эшикни очиб ўзини Саодат Ғаффорова дея таништирган аёл бу уйнинг эгаси ўзи эканини, Рўзагул деган аёлни мутлақо танимаслигини, бу манзилда маҳалладаги китобда ўзлари қайд этилганини тасдиқлади. Шундан кейин Ихсонов кўчасидаги 16-уйнинг 1-хонадонида ўзини Шарифа Отажоноваман деб таништирган аёл, бу ерда оиласи билан яшашини, 2 ёшгача бўлган боласига нафақа олишини, ҳатто май ойи нафақасининг ҳаммасини пластик карточкага ўтказиб берганини айтди. Бироқ айнан шу хонадонда яна Ҳамроева Раҳима деган аёлнинг ҳам 2 ёшгача, ҳам 16 ёшгача боласига, ҳам моддий ёрдам олишини айтганимизда, Шарифа опа ҳайратдан ёқа ушлади ва бу манзилда ундай одамлар йўқ! — деди.

Ҳақиқатан ҳам бундай ҳол, яъни бир кишига бир ойда уч турдаги соҳта нафақа тайинланиши ажабланарли эмасми?! Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қизиғи, бемаънзил ва йўқ одамларга "тайинланаётган" нафақа пуллари кимнинг жиғилдонидан ўтаётир. Ҳар қалай ҳавога учмаётгандир?

Бундан ташқари, Алишер жуда меҳрибон ва оғайнипарвар ҳам чиқиб қолди. Кўпчилик қариндошлари унинг бу яхшиликларини эсдан чиқармасалар керак. Ушбу ҳудудда яшамайдиган синглиси Комила Қувноқова, қўшни "Мустақиллик" фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи қариндоши Зулайхо Давидова тез-тез, ҳатто май ойида ҳам унинг "ҳотамтой"лигидан бенасиб қолмади. Айтаман десанг, ёзаман десанг гап жуда кўп. Аммо давлат пулини талон-торож қилаётган, қолаверса, кам таъминланган, ногирон ёки 2 ёшгача бўлган болаларнинг "нони"ни "туя" қилаётган ноинсофларнинг танобини ким тортади?

Аъзам РУСТАМ,
Жиззах вилояти.

ФАХР

ДУНЁ НАЗДИДАГИ МУАЗЗАМ ҚАДАМЖО

Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган қишлоқда

Биз — бугунги ёш авлод мустақиллик замонида Ватанимиз тарихини ўрганиш, ўзлигимизни англаш бахтига муяссар бўлаётган бахтли фарзандлармиз. Шу аснода илм-заковати, адолатпарварлиги, иймон-эътиқоди билан бизга ибрат бўлган аждодларимизнинг хоки пойлари қолган табаррук замин олдидаги бурчимиз, фахру ифтихор туйғулари қалбимизда тобора илдиз отмоқда.

Соҳибқирон Амир Темурдек зотнинг киндик қони тўкилган шу заминга, жаҳонгир бунёд этган кўҳна Оқсаройни зиёрат қилиш учун дунёнинг бир четидан келаётган олим-у фозиллар, сайёҳларни кўриб, бу ер бизга саждагоҳ каби муқаддас эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Аслида бу зиёратгоҳлар Ватанимизнинг жон томирларига туташ муқаддас гўшалар ҳисобланади.

Ватани, элини ва улар келажагини ўйлаб, мутеликка «...Беномуслик билан кечирилган ҳаёт қадрсиздир», деган пурҳикмат ўгитлари билан курашган буюк Соҳибқирон бобомиз асос солган салтанат, Шаҳрисабзда қурилиши 1380 йилда бошланган муаззам Оқсарой кошонаси ҳозирга қадар дунё аҳлининг диққат-эътиборини тортиб келаётгани бежиз эмас, албатта. Бобомизнинг жанг санъати, маданиятимизга қўшган беқиёс ҳиссаси, само илмини кўнглига жойлаган улуғ мунажжим Мирзо Улуғбекнинг астрономик кашфиётлари, Ҳиндистонда буюк давлатчиликка асос солган Мирзо Бобурнинг маънавий мероси асрлар оша тилларда, элларда достонга айланди.

Яқинда диёримизнинг жанубий гўшаларидан бири — Қашқадарё, аниқроғи, бобомиз Амир Темурнинг киндик қони тўкилган замин — Хўжаилғор қишлоғига ташриф буюрдик. Бизга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Қашқадарё вилоят бўлими масъул котиби, халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Исмоил Тўхтамишев ҳамроҳлик қилди. Қишлоққа киришимиз билан қалбимизда палвонлари, бахши-ю фозиллари билан машҳур бўлган хўжаилғорлик юртдошларимиз билан танишиш истаги туғилди.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Комендантлик соати бекор қилинди

Associated Press хабарида айтилишича, шу йилнинг 1 июнидан Покистон армияси қўмондонлиги Сват водийсидаги еттита шаҳарда комендантлик соатини бекор қилди.

Ушбу водийга сафар қилган Халқаро Қизил Хоч ташкилоти вакилининг баёнотига қараганда, бу шаҳарларда аҳвол жуда оғир. Ичимлик суви ва электр токи йўқ. Озиқ-овқат захиралари тугаш арафасида. Ҳатто телефон алоқаси ҳам узилиб қолган.

Шу йилнинг май ойида мамлакат армияси толибларга қарши кенг кўламда уруш бошлагандан сўнг Сват водийсидаги еттита шаҳарда комендантлик соати жорий қилинган эди. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида юзлаб тинч аҳоли ҳалок бўлди, икки миллион нафарга яқин одам ўз уйларини ташлаб кетди.

Мамлакат президенти Асиф Али Зардари қочоқлар учун 6 миллион доллар маблағ ажратди. Бундан ташқари, у жаҳон ҳамжамиятидан ҳам ёрдам сўрамоқчи.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

2009 ЙИЛ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАДИ

Кўнгил баъзида кенглик истаб қолади, деганлари рост. Қариндошлар, таниш-билишлар билан дийдорлашиш ниятида ўзим туғилиб ўсган қишлоққа йўл олдим. Ёру биродарларнинг уйига бир-бир кириб, ҳол-аҳвол сўрадим. Анча-мунча гаплар йиғилиб қолган экан, дилдан суҳбатлашдик.

Тўғрисини айтсам, кўпдан буён қишлоққа йўлим тушмаганди. Анча ўзгаришлар бўлибди. Катта-катта иморатлар солинибди, кўчаларда қурилишлар айни авжида. Бу фалончи фермернинг уйи, буниси фалончиники деб таништира бошлади, менга ҳамроҳлик қилган дўстим — Зиёдулла Баҳриддинов. Кейин у тўсатдан: "Бир келибсан, юр, болалик чоғларимиз ўтган қишлоқларни айланиб келамиз", — деб қолди. Бажонидил рози бўлдим.

Нарпай туманидаги Баландқўрғон, Янгиқўрғон, Чалақўрғон, Тама қишлоқлари — ёшлигим кечган маскан. Бу қишлоқлар аҳолиси Зарафшон дарёсидан сув ичади. Дарё қирғоғи бўйлаб юрамиз. Шарқираб оқаётган сув кўзимни қувнатади. Кўнглим яйраб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симираман. Кўкрагим тўлиб, руҳимда аллақандай ширин энтикиш пайдо бўлади. Ёши улуғлардан эшитгандим. Бобомиз Амир Темур ҳам юришларидан бирида айнан шу ерда — Зарафшон дарёси қирғоғида тўхтаб, ҳордиқ чиқарган ва бу ерлар ўзининг сўлимлиги, ҳавосининг мўътадиллиги билан буюк Соҳибқиронни ҳам ҳайратга солган экан. Кейинчалик бобурийлар даврида бу ерда баланд-баланд қўрғонлар бунёд этилади. Ҳозирги қишлоқ номларига қўрғон сўзи қўшилишининг боиси шундан.

Йўл-йўлакай ўртоғим мени фермерлар — Дилшод Шербоев, Асрор Бердиев, Ислом Бердиевларнинг далаларини кўрсатди. Сўнг "Мана бу далалар "Достон Дўстмуродов" фермер хўжалигига қарашли", — деди алоҳида урғу билан дарёнинг бу тарафидаги экин майдонларини кўрсатиб. Кейин мени ўша томонга бошлади. Белга урадиган буғдойзор ёқалаб юрдик.

Шу орада сал наридан ўрта бўйли бир одамнинг қораси кўринади. Бошида дўппи, оёғида этик. Яқинлашгандагина танидим. Дўстмурод бобо Ғаниев. У бугун фермер хўжалиги раҳбари.

Дўстмурод бобонинг ёшлик йиллари айни Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. Халқ бошига мислсиз кулфатларни солган ўша машъум йилларни хотирасидан ўчириб ташлай олмаган Дўстмурод бобо умр бўйи ҳалол меҳнат қилди. 12-13 ёшларидан бошлаб оддий ишчи, кейинроқ тракторчи, инженер-механик бўлиб ишлади. Энди эса қишлоқнинг олди фермерларидан. Маҳалла-кўйда ҳурмати баланд. Буларнинг бари ҳалол меҳнатининг, доимо халқ фаровонлиги хусусида қайғуришининг натижасидир.

— Худога шукр, меҳнат қилиб кам бўлмадим, — дейди у. — Фермер хўжалигимизни 2005 йилда ташкил қилиб, яхши ният билан уни неварам Достонжоннинг номи билан атадик. Ҳозир 35 гектар ерда 15 киши юмуш билан банд. Ишчиларга нони ҳам, ичадиган суви ҳам, қолаверса, рўзғорининг баракаси ҳам шу ерда эканини кўп айтаман. Улар ҳам «бу ер бизники» деб жон куйдиришади.

Мен каби оддий фермерларнинг бундай ютуқларни қўлга киритаётгани, ҳукуматимиз томонидан доимо рағбатлантириб турилгани бизга қувонч бағишламоқда. Буларнинг бари Юртбошимизнинг биз фермерларга жуда катта шароитлар яратиб бераётгани туфайлидир.

Бу орада отахон бизни дарё қирғоғига бошлаб чиқиб, гапида давом этди:

— Бу дарё — Яратганнинг неъмати. Лекин оқар сув ғоят асов бўлади. Бир зумда ўзанини ўзгартириб, қирғоқларини ювиб кетиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боисдан қўшни фермерлар билан бирга дарёнинг эски ўзани ўрнини ўзлаштириб, ер очдик, дарахтлар экдик. Бу ҳар томонлама ўз фойдасини бераяпти. Белгиланган режани ҳам ортиғи билан бажариб келаяпмиз. Давлатга йилига 300-350 килограмм "кумуш тола", 25 тонна буғдой, 45-50 тонна пахта, 20-30 тоннагача полиз маҳсулотлари етиштириб топшираяпмиз. Бундан ташқари, 20 бошга яқин чорва молимиз ҳам бор. Сут-қатиқ, гўшт ҳам ўзимиздан чиқади. Ўтган йилги фойдадан "Нексия" автомобилини сотиб олдик. Иккита тракторимиз бор. Бу йилги даромаддан яна бошқа зарур техникаларни харид қилишни чамалаб турибмиз.

Дўстмурод бобонинг ишларига омад тилаб, уйга қайтарканман, юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларида кунни тунга улаб меҳнат қилаётган мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшаётган минглаб заҳматкаш инсонларнинг фидойилиги ўй-у хаёлимни банд этди. Ўзбекнинг тантилиги, меҳнаткаш халқ сифатида ном чиқаришида шундай одамларнинг жонбозлигидан эканига яна бир бор амин бўлдим.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЭЪТИРОФ

Ҳозир таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимизда таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришга қаратилгани маълум.

Таълим жараёнини ташкил этиш мақсадида ўзига хос тажрибага эга хорижлик мутахассисларнинг жалб этилиши ёшлар, хусусан, чет тилини ўргатишга ихтисослашган олий ўқув юртлари талабаларига ўзларининг илмий салоҳиятини намоён этишлари, қолаверса, дунё халқларининг миллий қадриятларини, тарихини чуқурроқ ўрганишлари ҳамда бемалол мулоқотда бўлишлари учун имконият бермоқда.

Илм ва тажриба ўчоғи

Жумладан, бир нечта хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган олий ўқув юртларидан бири Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидир.

Бугунги кунда ўқув муассасасида юқори малакали филолог, таржимон-референт, чет тиллари ўқитувчилари ҳамда хорижий тилларни мукаммал биладиган халқаро журналистлар тайёрланмоқда. Олий таълим муассасасининг инглиз тили филологияси факультети ҳақида тўхталадиган бўлсак, унда таълим жараёнининг жаҳон андозалари даражасида ўтказилишини таъминлаш учун профессор-ўқитувчилар томонидан ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларидаги таълим тизими ва технологиялари ўрганиб чиқилган ҳолда татбиқ этилмоқда.

Масалан, Москва давлат лингвистика университети ҳамда чет тиллар институти ва бошқа бир қатор давлатлар билан алоқалар ўрнатилиб, мунтазам равишда мутахассисларни айирбошлаш дастурига кўра ҳамкорлик қилинмоқда. Бундан ташқари, талабалар олган билим ва тажрибаларини янада ошириш мақсадида З.Порицвая, Н.Муҳитдинова ва Л.Березиналар Италиянинг йирик университетларида ташкил этилган курсларда, профессор-ўқитувчиларимиздан бир қанчаси эса хорижий давлатлардаги турдош олий ўқув юртларида «Истеъдод» жамғармаси ва бошқа грантлар ғолиблари сифатида Д.Юлдашева Малайзиянинг Нара университетида, Д.Султонова Грециянинг Афина университетида, С.Иргашева Ореган ва Пенсильвания университетларида, К.Алимова Буюк Британиянинг Найл университетида ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Факультет жамоасининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг аксарият қисмини 25-40 ёшгача бўлган профессор-ўқитувчилар ташкил этади.

Тоир ИКРОМОВ,
Жуманазар МАТЁҚУБОВ,
ЎзДЖТУ доцентлари.

ФАРҒОНАДА ХАЛҚАРО САВДО КЎРГАЗМАСИ

Яқинда Фарғона вилоятида "Ўзбекистон Агроминитех Экспо-2009" халқаро савдо кўргазмаси бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вилоят бошқармаси ҳамда Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 14 та хорижий давлат, жумладан Россия, Хитой, Германия, Италия, Туркия ва Голландия сингари мамлакатларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги мини-технологиялари намойиш этилди.

Икки кун давом этган халқаро савдо кўргазмасида тадбиркорлар ҳамда фермерлар иштирок этиб хориж фирмалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш технологияларини харид қилиш бўйича шартномалар тузишди.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ЧИМБОЙНИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

Чимбой туманидаги "Ғишт заводи" масъулияти чекланган жамият жамоаси белгиланган режаларни муваффақиятли уддалаб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 4 ойида 1 миллион донадан зиёд пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, қурилиш ташкилотларига ва фуқароларга етказиб берди.

Корхонада айни пайтда 50 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларга барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЖУРНАЛИСТ ВА ЖАМИЯТ

Урганчда Матбуот ва ахборот агентлигининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамкорлигида "Ахборот асрида журналистнинг маънавий ва касбий қиёфаси" мавзусида семинар ўтказилди. Анжуманни вилоят ҳокимининг ўринбосари Усмон Жумагалдиев олиб борди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммедов, парламент қуйи палатаси депутати Раъно Зарипова ва бошқалар "Ахборот хавфсизлигини таъминлашда миллий қонунчилигимиздаги ҳуқуқий асослар", "Ахборот асрида журналистнинг маънавий ва касбий қиёфаси", "Жаҳон молиявий инқирози ва унинг салбий оқибатлари таъсирининг олдини олишда ОАВ нинг вазифалари" каби мавзуларда маърuza қилдилар.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ПАРТИЯ ВАКИЛЛАРИНИНГ БЕЛЛАШУВИ

Термизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" томонидан ташкил этилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган олти нафар хотин-қиз тўртта асосий шарт бўйича ўзларининг билим ва ҳуқуқий-сиёсий маҳоратларини намойиш этди. Айниқса, "Глобаллашув жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаш муаммоси", "Агар мен депутат бўлсам..." каби танлов шартлари юзасидан намойиш этилган саҳна кўринишлари томошабинлар ҳамда ҳайъат аъзоларида чуқур таассурот қолдирди.

Барча номинациялар бўйича энг юқори балл тўплаган сариосиёлик партия аъзоси Дилдора Холиқова танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

"ШОФИРКОНКУМУШТОЛА" ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚЧИ

Тадбиркор Алишер Хўжаев Шофиркон туманидаги пилла йигириш корхонасини харид қилиб, "Шофирконкумуштола" масъулияти чекланган жамиятига айлантирган эди. Шундан кейин у қарийб 1 миллиард сўмлик сармоя киритиб эскириб қолган биноларни таъмирлади, дастгоҳларни замонавийсига алмаштирди. Натижада 250 нафар киши доимий иш билан таъминланди.



Айни пайтда йигириш цехларида жорий йилги пиллани қайта ишлашга киришилди. Ишчиларга барча қулайликлар яратиб берилган. Ҳозир жамият маҳсулотлари хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Яқинда корхона қошида шойи матосини ишлаб чиқариш линияси ҳам фойдаланишга топширилди. Мазкур цех фаолият юрита бошлагач, ишчилар сони 500 кишига етади.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

МАЪЛУМОТ

ДИВИДЕНД ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАР солиқдан озод этиладими?

Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама ривожланиши учун қатор имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Уларнинг мазмун-моҳияти, қўлланиш тартиби ҳақида тушунча беришда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан бир қаторда, оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўрни беқиёс. Ана шу масъулиятни чуқур англаган ҳолда дивиденд тарзидаги даромадлар солиқ солишдан озод этиладими ёки йўқми, деган саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин.

Маълумки, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан олинадиган дивиденд тарзидаги даромадлари, юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтириладиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Бу борада махсус Низом (2009 йил 10 февралда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган) ишлаб чиқилган бўлиб, унда жисмоний ва юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисида батафсил тушунча берилган.

Келинг, дастлаб, Низомдаги асосий тушунчаларга тўхталиб ўтсак. Дивиденд бу акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад, юридик шахс томонидан унинг муассислари ўртасида тақсимланадиган ёки ўтган йилларда тақсимланмаган соф фойданинг бир қисмидир. Юридик шахслар томонидан модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва қурилишга, шунингдек, бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига қўйилма сифатида йўналтириладиган маблағлари эса инвестиция ҳисобланади. Капиталлашув эса юридик шахслар томонидан маблағларни ўз устав фондини оширишга йўналтиришдир.

Низомда микрофирма ва кичик корхоналар томонидан муассис (жисмоний шахс)ларга дивиденд тарзидаги даромадларига тўлов манбаидан солиқ ушланмаслиги белгиланган. Имтиёз микрофирма ва кичик корхоналар томонидан мустақил тарзда, жисмоний шахснинг уни қўллаш тўғрисидаги аризаси тақдим этилмаган ҳолда амалга оширилади.

Дивиденд тарзида даромад тўловчи юридик шахслар дивидендлар тарзида даромад олувчи юридик шахслар томонидан ушбу Низомда келтирилган мақсадларга ишлатилса, тўлов манбаидан фойда солиғи ушланмайди. Бунинг учун юридик шахс «Тўлов манбаида дивидендлар тарзидаги даромадлар бўйича тўлов манбаида солиқ солишдан озод этиш тўғрисида»ги ариза билан ҳар бир дивиденд тўланишида ҳудудий давлат солиқ инспекцияларига мурожаат этиши керак. Аризани тақдим этиш тўлов манбаида солиқ ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу каби имтиёзлар, шубҳасиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳукуматимиз томонидан юртдошларимиз учун яратиб берилган катта имкониятлардан биридир.

Орифжон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят ДСБ шўъба бошлиғи,
Маъмуржон ПАРПИЕВ,
Наманган вилоят ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси.

Талабаликнинг олтин даври инсон ҳаётида ўзининг ёрқин ва ҳаяжонли дақиқалар хотираси билан муҳим ўрин тутади. Эркин камол топаётган ёшларимизнинг талабалик йиллари сермазмун ва бахтли ўтишини таъминлаш мақсадида

AGROBANK

АГРОБАНК

юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлод учун ўзининг янги

"ТАЛАБАЛИК — ОЛТИН ДАВРИМ"

номли муддатли омонатини таклиф этади!

- Маблағлар фарзандингиз 16 ёшга тўлгунга қадар қабул қилинади.
- Омонат фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида.

Шошилинг, фарзандингиз учун мустаҳкам молиявий пойдевор яратинг!
Негаки мазкур омонат тури орқали Сиз фарзандингиз олий ўқув юртига кирган тақдирда таълим контрактини тўлаш учун имтиёзли таълим кредити олиш имконига эга бўласиз.

Шунингдек, **АГРОБАНК** дан янги хорижий валютадаги **"АГРОВИЗА"** ва **"АГРОСАХОВАТ"** муддатли омонатлари таклифи:

"АГРОВИЗА" АҚШ долларида – **йиллик 10 фоиз;** ЕВРОда – **йиллик 8 фоиз.**
Омонатдан тушган даромад миллий валюта – сўмда тўланади.

"АГРОСАХОВАТ" АҚШ долларида – **йиллик 7 фоиз;** ЕВРОда – **йиллик 6 фоиз.**
Омонатдан тушган даромад чет эл валютасида тўланади.

Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг*, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг эгаси ҳам бўлишни хоҳласангиз, ўз маблағларингизни фақат **АГРОБАНК**нинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларидагина жамғаринг!

Йиллик **14 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"ОМАД"** ҳамда **"АГРОКАПИТАЛ"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни кўпайтириб, ОМАД соҳиби бўлинг!
Шу билан бирга, **26 фоиз** миқдорида ҳақ тўланадиган **"АГРОЛЮКС"** муддатли омонатида маблағингизни кўпайтириб, юқори даромадга эга бўлинг!

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.

Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

**Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!*

Қўшимча маълумот олиш учун (8.371)150-53-65, 150-53-43 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

ПУЛЛАРИНГИЗ ИШЛАЙДИ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ!
Агробанк - юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган.

БУ ЙЎЛЛАР ЖАҲОНГА ЭЛТАДИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда республикамизда ўз кўлами жиҳатидан оламшумул бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Буни халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида кўриш мумкин. Масалан, юртимизда мустақиллик йилларида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш ва модернизациялаш, йўл хўжалигини такомиллаштириш, йўл-қурилиш индустриясининг саноат қувватини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилган.

Соҳанинг бугунги манзарасига бир назар ташлайлик. Йўл қурилиши тармоғига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани барчага маълум. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилган бир қатор фармон ва қарорлари йўлсозлар учун дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2009 йил 22 апрелдаги қарори билан 2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг қабул қилингани ҳам соҳада ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тошини қўйди. Ўзбекистон миллий автомагистралида реконструкция қилиш ишлари амалга оширилгач, автомобилларнинг юриш тезлиги халқаро талаблар даражасига етказилади, йўлларда транспорт қатнови яхшиланади, кўплаб янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари миқдори 30-40 фоизга, автотранспорт воситаларидан атроф-муҳитга чиқаётган заҳарли газлар эса 40 фоизга камаяди. Дастурнинг умумий қиймати 2,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, унга сарфланадиган маблағлар Республика йўл жамғармаси ҳисобидан, шунингдек, халқаро молия институтлари, хусусан, Осиё Тараққиёт банки ва Япония Халқаро ҳамкорлик банкининг имтиёзли кредитлари эвазига молиялаштирилиши режалаштирилган.

Мазкур дастурнинг мақсади — мамлакатимиз миллий автомагистрали таркибига кирувчи, халқаро талаблар ва андозаларга жавоб берадиган, биринчи категорияли тўрт қаторли халқаро автомобиль йўлларини қуриш ва қайта қуриш орқали республикамизнинг барча минтақаларини ишончли равишда бирлаштирувчи ягона миллий автотранспорт инфраструктура тизимини яратиш, шу асосда автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмини кўпайтириш ва самарадорлигини оширишдан иборат. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, дастурда назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз ҳудуди орқали автомобиль транспортида халқаро ва транзит юк ташиш ҳажми ўртача 50 фоизга, юртимиз доирасида эса юк ва йўловчилар ташиш ҳажми 60-70 фоизга ортади.

Мамлакатимиздаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари иқтисодиётимизнинг энг асосий соҳаларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг муҳим қисми ҳисобланади. Бу йўллар юртимизнинг барча минтақаларини бирлаштириб туради. Шунингдек, автомобиль йўллари давлатимизни жаҳон ҳамжамияти билан боғлаб, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини таъминлаш ва унинг глобал иқтисодий тизими интеграциялашувининг моддий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, транспорт қатновини Тошкент, Гулистон, Самарқанд, Бухоро ва Қўқон шаҳарлари ҳудудларидан ташқари республикамизнинг шарқий, жанубий ва шимолий-ғарбий минтақалари ўртасидаги алоқаларни таъминлаш, халқаро транспорт йўлагига самарали бирлаштириш, мамлакатимиз ҳудуди орқали автомобиль транспортида рақобатбардош транзит юк ташишни ташкил қилиш миллий автомагистралнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

"Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компаниясининг маълумотларига кўра, юртимизда ҳар йили ўрта ҳисобда 2000-2500 километр узунликдаги йўллар таъмирланаяпти. 200-250 километр узунликдаги автомагистраллар янгидан бунёд этилаяпти. Хусусан, 2006 йилда "Тошкент — Термиз" йўналишининг 135 километри таъмирланди, 100 километрга яқини янгидан қурилди. "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" халқаро автомобиль йўлининг "Қўнғирот — Бейнов" оралиғидаги 348 километри янгидан бунёд этилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухоро шаҳарлари ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида янгидан 123 километр йўл ва кўчалар қурилди.

Ўзбекистон миллий автомагистралининг транспорт-фойдаланиш сифати қатнов хавфсизлигини яхшилаш имкониятига эга бўлиш билан бирга унинг авария-қутқарув хизмати, фуқаро муҳофазаси, махсус хизмат бўлинмалари, мамлакат Қуролли Кучларининг сафарбарлигида ҳам ўз ўрни бор. Шунингдек, умуммиллий хавфсизликни ошириш имконини ҳам яратади. Ўзбекистон миллий автомагистрали тизимига кирадиган автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2755 километр бўлиб, "Бейнов — Қўнғирот — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон" йўналиши 2047, "Бухоро — Олот" йўналиши 98, "Бухоро — Қарши — Ғузор — Термиз" йўналиши 436, "Самарқанд — Ғузор" йўналиши эса 174 километрни ташкил қилади.

Ўзбекистон миллий автомагистралининг 1501 километри 1-категорияли қилиб қурилади ва қайта қурилади. Жумладан, унга "Бейнов — Қўнғирот — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон" йўналишининг 1139 километри, "Бухоро — Олот" йўналишининг 15 километри, "Бухоро — Қарши — Ғузор—Термиз" йўналишининг 195 километри, "Самарқанд — Ғузор" йўналишининг 152 километри киради. "Самарқанд — Ғузор" йўналишининг 152 километрига, "Бухоро — Термиз" йўналишининг 195 километрига, шунингдек, "Бухоро — Олот" йўналишининг 15 километрига ва "Қўнғирот — Андижон" йўналишининг 809 километрига асфальтбетон ётқизилади, 400 километрига эса цементбетон қопламаси тўшалади.

Автомобиль йўлларини қуришда мамлакатимизнинг иқлими ҳисобга олиниб, маҳаллий шароитга мос бўлган энг замонавий технологиялардан фойдаланилади. Хусусан, Германия, Жанубий Корея, Туркия, Хитой ва бошқа хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси татбиқ этилади, улардан мутахассислар таклиф этилади. Ҳозирги кунда йўллар мустаҳкам бўлиши учун уларнинг устки қопламларининг пастки қатламини "М-100" маркали бетондан тайёрланган қоришма билан қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Йўлларнинг устки қисми янада мустаҳкам бўлиши учун асфальт метал конструкциялари билан биргаликда ётқизилмоқда.

Автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва қайта қуриш Ўзбекистон миллий автомагистралининг қайси йўлларида қатнов ҳажмининг жадаллигига қараб, босқичма-босқич амалга оширилади. Энг муҳими, миллий автомагистралнинг бунёд этилиш жараёнида автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг инновацион технологиялари ўзлаштирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, иш сифатли ва пухта бўлиши учун миллий автомагистралнинг қурилаётган ва қайта қурилаётган қисмига цементбетон ва асфальтбетон қопламалари ётқизилмоқда. Бу йўлнинг янада мустаҳкам ва пишиқ бўлишини таъминлайди. Бундай усул дунё йўлсозлиги тажрибасида синовдан ўтган. Миллий автомагистралнинг 400 километр масофадан иборат бўлган "Бухоро — Урганч" йўналишининг устки қисмини ана шундай тарзда, яъни цементбетон билан қоплаш, 272 километрлик "Урганч — Қўнғирот" йўналишига эса асфальтли бетон қоплаш режалаштирилган. Шунингдек, автомагистралнинг икки қаторли машина юрадиган 1059 километрлик қисми халқаро талабларга, мамлакатимизнинг иқтисодиёти ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи талаблари даражасида тўрт қаторли қилиб бунёд этилади ва аҳоли пунктларидан ўтаётган қисмида маҳаллий ўтиш йўллари қурилади.

Айни пайтда автомагистраль қурилишида янги йўналишлар ҳам очилади. Масалан, улардан бири "Гулистон — Оҳангарон" йўналиши бўлиб, у қисқа муддатда ниҳоясига етказилади. Шунингдек, бунёд этилаётган автомобиль йўлларининг атрофини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, транспорт-йўл ва сервис хизмати шохобчалари, мотеллар, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратилади. Улар аҳоли гавжум жойлар билан бирга чўл ҳудудларида ҳам қурилади. Энг муҳими, бундай хизмат кўрсатиш шохобчаларида минглаб одамлар иш билан таъминланади.

Юртимиз мустақиллиги шарофати билан пойтахтимиз ва вилоятлар ҳамда катта шаҳарларни бир-бирига боғлайдиган автомобиль йўллари халқаро талабларга жавоб берадиган даражага етказилди. Кенг ва текис, равон йўллар Ватанимиз қудрати қанчалик юксалганини ифодалаб турибди. Масалан, биргина Қамчиқ довони орқали мамлакатимиз марказини Фарғона водийси билан боғлайдиган автомобиль йўлини олайлик. Ҳозир бу йўлдан ҳар куни 17 мингта автомобиль ўтади. Бу ҳар куни юз мингдан ортиқ кишининг узоғи яқин, ўн минглаб тонна юкларнинг ўз манзилига бехатар етказилиши таъминланяпти деганидир.

Йўлларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва сақлаш ишлари учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бораяпти. Масалан, жорий йилда мазкур мақсадга 500 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткични ўтган йилга таққослаганда икки марта кўпдир. 2014 йилга бориб йиллик ажратиладиган маблағ миқдори 1 триллион 450 миллиард сўмга етади. Айни пайтда мамлакатимизни Европа қитъаси билан боғлайдиган "Нукус — Қўнғирот — Бейнов" автомобиль йўлида қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг Устюрт текислиги орқали ўтадиган бу автомагистраль Қозоғистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги Отрау бандаргоҳига туташади. Ушбу автомагистралнинг фойдаланишга топширилишидан кўшни давлатлар ҳам манфаатдор. Улар ҳам шу йўл орқали Европага чиқиши мумкин.

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралда бўлиб ўтган 2008 йил якунлари ва жорий йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, "2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда. Жорий йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чоратадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланишда бўлган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда".

Албатта, йўл равон ва текис бўлса, манзилга етиш осон кечади. Бундай йўллардан юрган кишининг кайфияти ҳам кўтарилади. Умуман юртимизда бунёдкорлик ишларига, йўллар қуришга азал-азалдан катта эътибор бериб келингани тарихдан маълум. Буюк ипак йўлининг юртимиздан ўтгани ҳам бежиз эмас. Бобомиз Амир Темур даврида ҳам ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилганини биламиз.

Йўлларнинг истиқболи мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш жараёнларига таъсир этади, ишлаб чиқариш кучларини мукобил жойлаштириш, табиий бойликларни ўзлаштириш, экологик шароитни соғломлаштириш ва сақлаш, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашга асос бўлади. Шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва ижтимоий турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади ҳамда давлатнинг мудофаа қудратини ҳам мустаҳкамлайди.

Халқимиз азалдан бунёдкорликни эъзозлаб келган. Йўл ва кўприк қуриш савоб ҳисобланган. «Йўл қурган элда азиз» деган мақол бежиз айтилмаган. Амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларида албатта, йўлсозларимизнинг хизмати катта. Уларнинг фидокорона меҳнати, тинимсиз саъй-ҳаракати туфайли белгиланган режалар вақтида уддаланиб келинмоқда. Йўлларимиз кенг, равон, текис ва ҳавас қиладиган даражага келтирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда ривожланган давлатларникидан қолишмайдиган, жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон миллий автомагистрали қурилмоқда. Бундай қулай ва равон йўллар юртимиз мавқеини, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ҳамда халқимиз фаровонлигини янада ошириши шубҳасиз.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Таҳририятга хатлар

"Сартепа"нинг маъноси нима?

"Зарафшон" газетасининг 2009 йил 10 февраль сонида профессор Бозорбой Ўринбоевнинг "Сартепа" "Соттепа"ми?" мақоласи чоп этилганди. Мақолада бироз чалкашликлар бордай назаримда. Унда муаллиф Самарқанд шаҳрининг ғарбидаги Сартепа мавзеси номининг бош қисмида келувчи "сар сўзи— ҳисор сўзининг ўзгарган шаклидир", деган фикрни илгари суради. Ва асли арабча сўз бўлган ҳисор сўзи кейинчалик форс тилига ва тожик тилига ўзлаштирилганини, маъноси — иҳота қилинган жой, қалъа, қўрғон, тевараги девор билан қуршалган жой маъносини билдиришини илова қилади. Бозорбой Ўринбоевнинг фикрича "бу ерда товуш қисқариши юз берган. Сўз бошидаги "ҳ" ундоши қадимда ҳеч қачон сўз бошида ишлатилмаган. Талаффузда "ҳ" ундоши айтилмагач, "и" унлисини айтиш ҳам маъқул туюлмайди, чунки тилда исор деган сўз йўқ. Шундай қилиб ҳисор сўзининг сўнгги бўғини сар тарзида айтила бошлаган".

Албатта, домла бу фикрларни маълум манбаларга таяниб ёзган бўлиши мумкин. Аммо "Сартепа" сўзи аслида бош, нарсалар ичидан энг яхшиси, каттаси деган маъноларни англатувчи тожикча "сар" ва ўзбекча "тепа" сўзидан ташкил топган қўшма сўз эканини унутмаслик керак. Масалан, тожик ва ўзбек тилидаги юзлаб сўзлар "сар" ва "сари" олд қўшимчалар воситаси билан ясалган. Масалан, Сариосиё, Саровул, Сарқўрғон, Таллисар, Сарикўл, Сариқўҳ, Саримозор, Сарчашма, саркор, саркарда, саросима, сарпўш, сархам, сархат, сарҳовуз, сарҳафта, сарсон, саришта каби маҳалла, жой номлари ва хилма-хил сўзлар шулар жумласидандир.

Акбар УСМОНОВ,
Навоий вилояти.

«Текширувда ҳаммаси ойдинлашди, бироқ...»

Олтиариқ туман газ идораси ходими А.Абдураҳмонов ўтган йили март ойининг бошларида уйимизда ҳеч ким бўлмаган пайтда келиб, ёлғондан "газ ўлчагич" ечиб олинган деб, далолатнома тузиб кетган экан. Ахир бундай вақтда уй эгалари ёки холис кишилар томонидан далолатнома тузилиши керак эмасмиди? Натижада мен ноҳақ равишда туман газ идорасидан 185 минг сўм қарз бўлиб қолдим. А.Абдураҳмоновнинг ўзбилармонлиги туфайли биз яшайдиган Алишер Навоий маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошқа кўплаб маҳалладошлар ҳам шу тарзда асоссиз "айбдор" бўлиб қолишмоқда. Табиийки, бу ҳолатдан норози бўлиб, Олтиариқ туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилдим. Текширувда туман газ идораси ходимининг ноқонуний ҳаракатлари исботланди. Шундан кейин идора раҳбари Тоштемиров келтирилган зарарни қоплаши ҳақида оғзаки ваъда ҳам берди. Бироқ, ҳалигача ҳеч қандай амалий натижа бўлмаяпти. Наҳотки йўқ жойдан қарздор бўлиб қолаверсам?

Зарифа ЎРИНБОЕВА,
Фарғона вилояти.

Ёзувчининг қисмати

Кейинги ўттиз йил ичида Америкада асарлари энг кўп ўқилган ёзувчи Хантер Томпсондир. Асл касби журналист бўлган адибнинг "гонзо" (яширилмаган субъектив услуб) услубида ёзган асарларида муаллиф тасвирлаган воқеалардан кўра, унинг ўзи — фикрлари, хатти-ҳаракати муҳим ўрин тутади.

Томпсон йигирма ёшида ҳарбий ҳаво кучларига хизматга кириб, учувчи бўлолмагач, армия газетасида мухбирлик қилади. Чапанилиги ва чўрткесарлиги туфайли бир неча бор жазолангач, ҳарбий хизматдан истеъфога чиқиб, Американи бошдан-оёқ кезади. Бир куни — ҳали ўттизга ҳам тўлмасидан, ўзи ёзганидек, уйқудан машҳур ва бадавлат бўлиб уйғонди. Илк асари "Дўзах фариштаси"нинг чоп этилиши унга беқиёс шон-шуҳрат олиб келди. Шундан сўнг унинг бирбиридан кескин ва аёвсиз танқидга йўғрилган "Лос-Анжелосдаги қаҳр ва нафрат", "Чўчқалар авлоди", "Маҳкумлар қўшиғи" каби романлари чоп этилди. Адиб ижоди ҳақидаги бир танқидий мақолада: "Айни пайтда Америкадаги иллатларни у каби шафқатсиз танқид қилган бошқа бирор ёзувчи йўқ", дейилганди. Адибнинг ўлими ҳам ҳаёти ва ёзган асарлари каби кутилмаган шовқинли тан-сўзларга сабаб бўлди. У 2005 йил 20 февралда 67 ёшида номаълум сабабларга кўра ўз жонига қасд қилди. Энг ажабланарлиси, Томпсон ўз ҳокини тўпга солиб отишларини васият қилиб қолдирган.

Анвар ИНОҚОВ,
Тошкент шаҳри.

Дўкондаги қалбаки тилла буюмлар

Дўстлари ишончли деб тавсия қилганидан сўнг Пўлат Ҳакимов "Олой" бозоридаги "ALIEV ZARGARI" хусусий фирмасига қарашли дўкондан 1 дона тилла узук ва 2 дона зирак сотиб олади. Бироқ унга заргарлик буюмларидаги ҳақиқийлигини билдирадиган тамға шубҳали кўринади. Ҳақиқатда маҳсулотлар текшириб кўрилганда улардаги тошлар қимматбаҳо тошлар туркумига кирмаслиги ва 583 тамға ҳам қалбаки экани маълум бўлди.

Шундан сўнг ушбу дўконда Давлат аслдик даражасини белгилаш палатаси томонидан текширув ўтказилганда савдога қўйилган заргарлик буюмларининг 81 фоизи қалбаки тамғалар билан муҳрлангани ёки умуман тамғаси мавжуд эмаслиги аниқланди. Маълум бўлишича, дўконда қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда, тегишли кирим ҳужжати мавжуд бўлмаган ва қонуний келиб чиқиши тасдиқланмаган жами 249 миллион 411 минг 700 сўмлик товар моддий бойликлари ҳужжатлари қалбакилаштирилиб, савдога қўйилганлиги аниқланди.

Рустам ПЎЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳужжатлар текширишлар бўлими бош тафтишчиси.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Боланинг бегонаси бўлмайди, деган нақл бор. Дарҳақиқат, гўдакларнинг тўрт мучаси соғломми ёки бироз нуқсони борми, улар барибир инсон фарзанди деган улуғ мақомга эга. Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 7-болалар ясли-боғчасида ҳам 2-7 ёшдаги таянч ҳаракат аъзоларида нуқсони бор ёки бирор хасталикка чалинган фарзандлар тарбияланмоқда. Эътироф этиш жоизки, ушбу мактабгача таълим муассасаси вилоят миқёсида энг ибратли масканлардан биридир. Унинг фаолияти билан яқиндан танишиш учун мазкур муассасага ўн беш йилдан буён мудиралик қилаётган олий тоифадаги мутахассис Зулфия Нишонованинг суҳбатида бўлдик.

— Бу ерда 300 нафардан ортиқ ёш болаларнинг соғлигини янада мустаҳкамлашлари учун барча қулайликлар яратилган. Шу билан бирга уларга малакали мутахассислар томонидан пухта таълим-тарбия ҳам берилмоқда, — дейди боғча мудираси. — Ҳар бир боланинг билими, тафаккур доираси қай даражада кенгайиб бораётгани, ўз қобилиятини қай тарзда намоён этаётганидан тортиб, хулқи-ю, муомала маданиятигача ҳеч бири эътиборимиздан четда қолмайди.

Бу маскандаги жўшқин ва қувноқ ҳаёт қўйнига кириб қолгудек бўлсангиз, энг аввало, келажагимиз қалдирғочлари бўлмиш бир-биридан ширин болакайлар учун муҳайё қилинган шарт-шароитларни кўриб кўзингиз қувнаши шубҳасиз. Боғ-роғлар оғушидаги жисмоний машғулотлар учун мўлжалланган бинолар, бассейн, ўйингоҳ ва бошқа тадбирлар ўтказиладиган хоналар, таълим ва амалий машғулотлар хонаси... Улардан қайси бирига бош суқманг, таълим-тарбия учун ҳам, соғломлаштириш учун ҳам барча зарурий жиҳозларнинг мавжудлигига гувоҳ бўласиз.

Бундан ташқари, бу ерда тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилинишини назорат қилиш, болаларнинг соғлиги ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирларининг изчил ўтказилиб борилиши, овқатланиш сифатига риоя қилиниши борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биз педиатр шифокорларнинг болажонлар соғлигини янада мустаҳкамлаш учун чиниқтириш машқларини ўтказаётганига гувоҳ бўлдик. Айниқса, тарбиячилардан Гуллола Фахриддинова, Олмос Комилова, Малика Тўйчиева, чет тили ўқитувчилари Элла Маилян ва Дилдора Тўхтасинова, руҳшунос Феруза Тожибоева ва услубчи Лола Маҳкамова сингари малакали мутахассислар фаолияти билан танишганимизда, уларнинг педагогик салоҳиятидан мамнун бўлдик. Бизни хушнуд қилган яна бир нарса шу бўлдики, бу ерда ўнта гуруҳга бўлинган болалар ўз хоҳишларига кўра турли маънавий-маърифий йўналишдаги тўгаракларга қатнашишади. Тарбияланувчилар миллий маданиятимиз ҳамда умуминсоний қадриятлар ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлишади.



Энг муҳими, биз фаолиятини ёритаётган мазкур мактабгача таълим муассасасининг заҳматкаш жамоаси ўз зиммасидаги вазифани шараф билан бажариб келмоқда. Тарбиячилар болаларнинг чеҳрасида ҳамиша севинч шуълаларини кўришни юксак бахт деб биладилар.

Саноатхон ТОЖИБОЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

САБОҚ

Ёш ҳамкасбларимга "айтув"ларим

Қоғоз-у қаламга ошно тутиниб, ижод майдонига эндигина кириб келаётган қадрдонларим! Бугун иссиқ-совуқ демай, тоғ-у тошни, дашт-у боғни фарқламай, мавзу кетидан юра-юра қоғозларда қадр тиклаётган фидойи жонларим!

Соҳанинг куюнчак бир ходими, ёши ва тажрибаси сайқал топган бир қаламкаш сифатида матбуотдаги ҳар бир чиқишларингизни мен ҳам меҳр, ҳам ҳадик билан кузатиб бораяпман. Ютуқларингиздан бошим кўкка етаяпти. Гоҳ янги фикр, соғлом сўз айтишларингиздан кўнглим тозармоқда. Юрак-юракларга етиб борадиган жонли тил, жозибали сўз, мағизли хулосаларингизга дуч келиб қолсам, дунёга қайта келгандай бўлишларим ҳам рост. Эл дарди аксини топган мақолаларингизни эса ўқиб тўймайман. Ҳар бир суҳбатдошимга улар ҳақида айтиб, ўқимоқликни тавсия қилаверишдан чарчамайман. Порлоқ келажагингизга умид боғлайвераман.

Бироқ... Балки ғўрлик қилибми, тажрибасизликданми, кўпроқ амалиётга эргашиб, илмга юзаки қараётганингиз учунми, ҳар ҳолда айрим чиқишларингизда камчилик — қусурлар ҳам учрамоқда. Улар чинакамига дилимни оғриққа тўлдираётир. Ахир, сизлар эмасми биз — катта авлоднинг келажакда қаламимизни олиб, ишимизни давом эттирувчи ўринбосарларимиз?! Сизлар эмасми, буюк келажакнинг суврату сийратини тарихларга муҳрловчи ворисларимиз?!

Аминманки, ушбу "дашном"ли дил изҳорим сизларни бир лаҳза ҳушёр торттиради. Ҳатто саркашроқ, ўзингизга ишонган айримларингиз " Очиқроқ гапиринг, нима демоқчисиз ўзи?" дейишга ҳам тайёрсиз. Мен ҳам худди шу ўринда масалага очиқроқ, аниқроқ ва изчилроқ ёндашишга журъат қилаяпман.

Табиийки, журналистика факультетида ўқиганларингиз "ОАВда ўринсиз сўз қўлланиши" бўйича ўрганув олиб борган, ҳатто ёзма ишлар ҳам топширган бўлишингиз керак. Лекин нимагадир бугун ўзингиз ёзган қораламаларингизда (сўз бойлигингиз камлагиданми!) ана шу қусурга йўл қўяяпсиз. Нашрларда чоп этилган мақола, лавҳа, суҳбат ва турли жанрлардаги чиқишларингизда бу нарса ботбот учраётир. Мисолларга мурожаат қилайлик. Ахлоқ-одоб мавзуидаги бир мақолада "У қизнинг суяги енгил", деб суюқоёқликка баҳо берилаётир. Ваҳоланки, бундайлар **"суяги енгил"** деб эмас, **"енгилоёқ"** деб айтилади-ку!. "Суяги енгил" деган ибора эса беморлиг-у, сиҳатликка дахлдор атама ҳисобланиб, халқ орасида "Бугун суягим оғир бўлиб турдим", "Ҳозир суягим анча енгил" тарзида қўлланиб келинади.

Соҳамизда қалам тебратувчилар билиши ва ундан сақланиши лозим бўлган яна бир камчилик бор. Бу такрор сўз, такрор жумлалар ишлатавериш ҳолатидир. Айниқса, радио ва телевидениеда ишловчи ҳамкасбларимиз томонидан ҳам бундай камчиликларга кўпроқ йўл қўйилмоқда. «Ҳаво тўлқинлари» орқали бир неча сониялар давомида айтиб ўтилаётган бундай жумлалар унчалик ҳам кўзга ташланмайдигандек туюлар, бироқ, бу ўша жамоанинг фарази, холос. Босма оммавий ахборот нашрларида бундай қайтариқлар яққол билинади. 40-50 йўллик ахборотда уч марта **"шундан сўнг"** сўз бирикмасининг такрор келиши, бир гапнинг ўзида **"ёшларнинг"** сўзи уч марта такрор айтилгани, яна бир гапда уч ўринда **"онаси"** сўзининг ёзилиши, хайрия тадбири асосида ўтган бир никоҳ тўйи ахборотида уч ўринда **"бешта ёш оила"** жумласининг такрорлангани, учта кетма-кет гапда **"садақадир"** сўзининг кесим сифатида такрорлангани зийрак ўқувчининг "ғашига тегади"ган мисол эмасми?! Баъзан эса сўзнинг мазмунига унчалик аҳамият берилмаётгани оқибатида ёзганларингизда кўплаб такрорлар учрайди. Масалан, "**Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида", "Эртанги кун истиқболларига"** деган жумлаларни олайлик. Биринчи мисолда **"йил"** сўзи икки ўринда такрорланмоқда. Шуни "**Жорий йилнинг биринчи ярмида",** десак нима йўқотамиз? Аксинча, ҳам такрордан қутуламиз, ҳам гапимиз ихчамлашиб, мазмун теранлиги ортади.

Кейинги пайтда нафақат босма нашрларда, радио-телевидениеда ҳам тил қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Масалан, **"Ҳамма янги бино ҳовлисига тўпландилар"** деган гапни олайлик. Эга жамлик маъносини билдирувчи сўз бўлганда, кесим бирлик формада келади. Бу — тил қоидаси. Демак, мазкур гапни **"ҳамма янги бино ҳовлисига тўпланди"** деб айтиш, ёзиш шарт. Аслида, шундай ёзганингизда ёки айтганингизда гап яхлит бўлади, **"тўкилиб уваланмайди"**. Ёки **"1845 қоидабузарлик ҳолатлари", "50 нафар ёш ариза билан мурожаат қилишган", "487 та бўш иш ўринлари"** каби жумлаларни ҳам **"1845 қоидабузарлик ҳолати", "50 нафар ёш ариза билан мурожаат қилган", "487 та бўш иш ўрни"** тарзида ёзилса ёки айтилса тил қоидасига амал қилган бўламиз. Тузаётган гапингизнинг табиийлиги ҳам ортади.

Маълумки, дона, бош, туёқ, нафар, нусха, туп каби саноқ сонлар мавжуд. Улардан ҳар қайсиси мазмун-моҳиятига кўра турли нарсани аниқлаб келади. Айтайлик, 30 бош қўй, 3 нусха китоб, 5 нафар ўқувчи тарзида. Афсуски, айримлар фақат инсонгагина қўлланиладиган нафар нумеративини ҳайвонгаям, буюмга ҳам қўллаяпти. Бу афсусланарли ҳолдир.

Бириктирувчи боғловчи вазифасида келадиган **–у** юкламасидан кейин вергул ишлатишимиз; сўз ўртасида келган кириш сўзининг икки томонидан вергул қўйиб ажратмаслигимиз; ундалма қўлланганда қаерда жойлашганига қараб тиниш белгилар билан ажратмаслигимиз; "Саодат опага эзгу **ишларига** омад" тарзида жумла тузиб, ўрин-пайт келишиги қўшимчаси **–да** ўрнига жўналиш келишиги қўшимчаси бўлган **–га** дан фойдаланишимиз; қаратқич келишиги қўшимчаси бўлган **–нинг** ўрнига тушум келишиги қўшимчаси **–ни** ни қўллашимиз ўз тилимиз қоидаларини очиқдан-очиқ бузиш ҳисобланади. Қолаверса, бундай "ижод қилиш" билан саводсизлигингизни ошкор қилиб қўяяпсиз-ку!

Яна бир тумандан материал тайёрлаган журналист ҳудудда **"15 та тарихий аҳамиятга эга санъат асари мавжуд",** деб ёзибди. Сиртдан қараганда бу гапда ҳеч қандай камчилик йўқдай. Масаланинг моҳиятига эътибор бериладиган бўлсачи?! Тарихий аҳамиятга эга санъат асари нима ўзи? Қайси санъат турига мансуб? Ким ёки қайси корхонага тегишли? Бу асарларнинг муаллифи ким? Аслида, улар ҳақида санъат асари дейишга ҳақлимизми? Мақолани ўқиган газетхон бу каби саволларни истаганча давом эттириши мумкин-ку, аммо кўз олдига аниқ бир нарсани келтира олмайди. Агарда бирор рассом ёки наққош ва ёки ҳайкалтарош ижоди ҳақида гап кетганда, буни тушуниш мумкин эди. Ваҳоланки, мақолада туман ва туман ҳокимлиги хусусида сўз бораяпти.

Ниҳоят, шунча гаплардан кейин ёзган қораламаларга қўйиладиган имзо хусусида ҳам тўхталиб ўтайлик. Имзо ҳам юқорида санаганимиз йўналишлардаги каби билимдонлигимизни намоён этувчи ёрқин жиҳатлардан биридир. Кириш сўзида **"Фалончи Пистончиев билан суҳбатлашганимизда у қуйидагиларни гапириб берди",** деб унинг номидан сўзлаб келинса-ю, имзо **"Суҳбатдош Фалончи Пистончиев"** деб қўйилса муаллифнинг соҳа мутахассиси эмаслигидан далолат. Аслида **"Фалончи Пистончиев ёзиб олди"** деган жумлани қўллаш лозим эди.

Қадрли ёш ҳамкасбим! Юқорида тилга олганларим ҳаммаси эмас. Бу мавзуда гапираман, десам ҳали кўп ва хўп масалалар тилимнинг учида турибди. Ушбуларни ёзишдан мақсадим ягона. Юқорида тилга олган-ололмаган камчиликлар ичида маҳсулотларимизни хом-у, пишиқ ҳолда мухлислар олдига қўяверсак, эл орасида, аввало, ўзимиз ишлаётган газета, радио ёки ТВнинг нуфузини тушириб юборамиз. Бу эса бугунги рақобат майдонида ОАВнинг аҳволига салбий таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Салима УМАРОВА,
"Дўстлик байроғи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари
Навоий шаҳри.

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

ОИЛА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН МУСТАҲКАМ

Аёл рўзғордаги камчиликларни кўриб, бозорга чиқди. Бир кун, икки кун... Охир-оқибат унинг қўли пул кўра бошлади. Энди у бемалол рўзғорини тебратиши, болаларининг каму кўстига ҳам пул ажрата олиши мумкин. Шу билан бирга, у эрига — ўз жуфти ҳалолига ортиқча одамдек қарай бошлади. У бу туйғуларини яшириб ҳам ўтирмади, аксинча дилидагини ҳар куни бир эмас, бир неча бор тилига чиқараверди. Эркак гаплар оғир ботса-да, оила тотувлигини ўйлаб эшитишга мажбур. Ўзини ўзгартиришга тиришаётган бўлса-да, кундалик «босим» туфайли ундаги ишонч тобора йўқолиб бораётганди. Ишончини йўқотган кишида бирон ишни бошлашга бўлган иштиёқ ҳам сўнади. Оқибатда улар ажрашишга мажбур бўлишади.

Балки матриархат давридагидек эркакларнинг ўз ўрнини аёлларга «бўшатиб» бериши табиий ҳол бўлиб туюлар. Қолаверса, бугун шунга рози бўлиб яшаётганлар ҳам бордир. Аммо инсонлар турфа феъл-атвор билан яратилган. Нима бўлганда ҳам табиатан заифа бўлган аёллар ва оила бошлиғи бўлишга маҳкум бўлган эркакларнинг ўрин алмашиши мумкин эмас. Шундай экан, ҳар бир эркак оилам тотув, мустаҳкам бўлсин деса, ўз ўрнини аёлига бериб қўймаслиги керак.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ
"Зарафшон", (Самарқанд) 26.05.2009 йил.

ҚИНҒИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Бухоро вилоят давлат солиқ инспекцияси ходимлари асосий фаолияти янги маршрут йўналишларини очиш ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдан иборат бўлган «Лазиза-Лариса» хусусий фирмасида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказишди. Натижада мазкур субъект фаолиятида бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, корхонада автомобиль транспортида йўловчилар ва юк ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга эътиборсизлик билан қаралган. Қолаверса, фирма мутасаддилари томонидан йўналишлар бўйича қатнайдиган автотранспортларга йўл варақалари бир марта, бир ой муддатга ёзиб берилган. Шунингдек, савдо тушумини инкассация қилиш ва назорат-касса машиналарини ишлатиш талабларига ҳам риоя этилмай келинган. Нақд пуллар инкассация қилинмасдан, тўғридан-тўғри банк муассасасига топширилган.

Фирма томонидан чипта масаласига ҳам бефарқлик кузатилган. «Қоровулбозор — Бухоро шаҳар «Карвон» буюм бозори» оралиғида қатновчи транспорт ҳайдовчиси йўловчидан йўл ҳақи олиб, чипта беришни «унутган». Қисқа муддатли текширув куни ҳайдовчиларда чипта варақаси бўлмагани ҳам аниқланди.

Шу боис, вилоят хўжалик суди «Лазиза-Лариса» хусусий фирмасига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланиши ҳақида қарор чиқарди.

Жўрақул ҲУСАИНОВ,
вилоят хўжалик суди судьяси.
"Бухороннома", (Бухоро) 27.05.2009 йил.

ОРИЯТ УНГА БЕГОНАМИ?

Кимдир замон билан ҳамнафас қадам ташлаб, тадбиркорлик ёки бирор ҳунар ортидан яхши даромад топади. Яна кимдир меҳнат қилгиси келмай, осмондан тушадиган текин луқмага ўрганиб яшайди. Лекин маънавиятли, виждони бор одам ҳеч қачон буни ўзига эп кўрмайди.

Гулсум учун эса бу тушунчалар мутлақо бегона. У одатий кунларнинг бирида эшигини очиб кириб келган йигитни кўрди-ю хурсанд бўлиб кетди. Демак, бу йигитта вақтинчалик «кайфу-сафо» қилиш учун жой керак. У ҳали хаёлларини йиғиштириб олишга улгурмасданоқ ИИБ ходимлари томонидан жинояти аниқланиб, ҳали яширишга-да улгурмаган бир неча минг сўм пули далилий ашё сифатида қўлга олинди.

Қизиқ, судда болалари бор эканини айтган аёл уларга қандай луқма едираётганидан наҳотки уялмаса? У она эканини рўкач қилаётганида онанинг вазифаси фақат болани дунёга келтиришгина эмас, балки уни яхши тарбиялаш ва болага ҳалол луқма едириш лозимлигини ўйламадимикин? Наҳот ўзининг бундай бемаза ишлари нафақат ўз болаларига, балки, қўни-қўшни, маҳалла-кўйга ҳам ёмон таъсир кўрсатаётганини, бундай жирканч ҳаёти бошқаларга, жамиятта қанчалар руҳий зарба бўлаётганини ўйламаса? У буларнинг ҳаммасини билади, аммо тан олгиси келмайди.

Гулсум Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси 2-қисмининг «б» бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Нодира ДЎСТМАТОВА
«Янгиер тонги», (Сирдарё) 26.05.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ДУНЁ НАЗДИДАГИ МУАЗЗАМ ҚАДАМЖО

(Бошланиши 1-бетда)

— Соҳибқирон бобомиз туғилган гўшада таваллуд топганим қалбимда чексиз фахр-у ғурур туйғусини уйғотади. Ана шу ифтихор бизнинг ёрқин орзуларимиз йўлидаги интилишларимизга қанот бағишлайди, — дейди қишлоқ фаоли Марям Шаропова. — Қишлоғимизга Соҳибқирон туғилган юртни бир марта кўриш орзусида нафақат ватандошларимиз, балки, хорижий мамлакатлардан ҳам олиму фозиллар ташриф буюришади. Бундан дилимиз мунаввар бўлиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Оққан дарё оқмай қолмас деганларидек, бугун хўжаилғорликлар илму ҳунари, деҳқончилиги-ю боғдорчилиги билан юрт довруғини янада баландроқ кўтариш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоқда. Бу эзгу ишлар қишлоғимиз чиройига-чирой қўшмоқда.

— Хўжаилғор қишлоғи қадим Кешнинг бебаҳо гавҳари саналган, — дейди ўқитувчилик касбини эъзозлаб келаётган Мавлуда Очилова. — Мустақиллиқ шарофати туфайли улуғ зотларнинг номи абадийлаштирилгач, кўҳна Кешнинг маданий, маърифий, маънавий соҳасига ўз ҳиссасини қўшган олиму фозилларнинг ҳам хоки пойлари зиёратгоҳларга айлантирилаётгани қувонарли ҳолдир. Ҳали бу муаззам маскан бағрида номи-ю қилган ишлари аниқланмаган қанчадан-қанча зиёли зотлар ётибди. Уларнинг маънавий меросини ўрганиш улуғ ишдир. Азалдан бу қишлоқ мусулмонларнинг зиёратгоҳ жойи бўлган. Жаҳонгир Амир Темурнинг айнан шу масканда таваллуд топишида ҳам минг ҳикмат-у минг сир-синоат бордек.

Суҳбатлар асносида бу юртнинг чорвадорларидан тортиб деҳқонларигача, ҳунармандларидан то косибларигача бир мақсадда — шу заминни боғу-бўстонга айлантириб, Соҳибқироннинг болалиги кечган қишлоқни келгуси авлодларга жаннатмонанд боғ-роғлар билан безашдек улуғ мақсадлар билан яшаётганлари ибратлидир.

Зиёратгоҳга бизни шу қишлоқлик Азамат ота Раҳматов бошлаб бордилар. Бу қабристон доирасимон шаклга эга бўлиб, унинг ён атрофи қабртошларга тўла. Ёлғизоёқ сўқмоқлараро аста-секин тепаликнинг энг юқорисига кўтарилдик. Кейин атрофимиздагиларнинг қишлоқ ҳақидаги суҳбатларига шўнғиб кетдик.

— Ота-боболаримизнинг ривоятларига қараганда, Бухоро амирининг йўли шу томонларга тушса, албатта, Хўжаилғор қабрини тавоф этиб ўтаркан, — дейди Азамат ота Раҳматов. — Бир сафар айтишларича, Бухоро амири Амир Музаффар бўлса керак, йўл-йўлакай зиёратгоҳга қадам ранжида қилибди. Зиёратгоҳдан чиқаётиб, тепалик бағридаги ертўладан ёш боланинг «нон, нон» дея йиғлаётган овозини эшитиб қолибди. Келиб секин ертўлага мўралабди. «Нон» деб йиғлаётган гўдакни бир амаллаб овутишга уринаётган ёши каттароқ болага ҳам кўзи тушибди. Уни чақириб, сабабини суриштирибди. Бола: «Отам бекнинг молини боққани яйловга, онам ўтин сотиб, нон олиб келгани бозорга кетган. Онам келгунича укаларимни юпатиб ўтирибман», дебди.

Амир дарҳол одам юбортириб, болаларнинг отасини яйловдан келтирибди. Шу куни амир қисқа суҳбатдан сўнг маҳалла оқсоқоли қилиб болаларнинг отасини тайинлабди. Ўша-ўша бу зиёратгоҳга бизнинг аждодларимиз эгалик қилибди. Ўшангача бу ерга Шаҳрисабз шаҳрининг Чаримгар маҳалласидан бир авлод бошчилик қилиб келган экан.

Суҳбатимизга Ойбек Нафасов қўшилди:

— Боболаримизнинг айтишларича, ўтмишда Хўжаилғор тепалигининг атрофлари жуда обод жой бўлиб, бир неча масжид ва хонақоҳлар бўлган. У ерда аҳоли зич яшаган. Кейинчалик турли сабабларга кўра, аҳоли бўлиниб-бўлиниб, шу атрофда бир нечта қишлоқлар вужудга келган...

Азамат ота Хўжаилғор қабристони дарвозаси яқинидаги тизза бўйи баланд супани кўрсатиб: — Мана бу аслида супа эмас, Обод масжидининг ўрни. Ёшлигимда ўзим гувоҳ бўлганман. Бу жойлар жуда кўркам эди. 1930-1940 йилларда замоннинг «зиёли» кишиларидан бирининг кўрсатмаси билан масжид буздирилиб, ғиштидан замонавий бинолар қуришда фойдаланишган экан. Шу билан Хўжаилғорнинг қадимий ёдгорликларидан энг охиргиси ҳам йўқолган. Мана шу тепалик минг йиллар бурун оташпараст подшоҳларнинг қаъласи бўлган дейишади. Бу теварак-атроф мавзелари шу подшоликка тобе бўлиб, довруғи етти иқлимга таралган. Бирор ёвнинг қалъага ҳужум қилишга юраги дов бермас экан.

Ислом юриши даврида Қутайба ибн Муслимнинг асли ҳажлик (Макка шаҳридан демоқчи) Муҳаммад ибн ал-Қосим исмли саркардаси ўз лашкарлари билан бу атрофда биринчи бўлиб шу қаълани қўлга киритибди. Унинг аҳлини ҳидоятга йўллабди. Биз ҳозирда Хўжаилғор деб келаётган ул зотнинг асл исми Муҳаммад ибн ал-Қосим бўлган, дейишади. Шу атрофда эса Қўшчашма, Каттачашма, Совуқбулоқ ва Амир Темур чашмаси бор. Уларнинг суви бир-биридан ширин.

Ота-боболаримизнинг ривоят қилишларича, тақдир тақозоси билан Амир Темур булоқ яқинида туғилган экан. Қадимда машҳур «Буюк ипак йўли»нинг бир қисми ҳозирги Хўжаилғор қишлоғи орқали ўтган. Бобомизнинг Занжирсаройга меҳри ортиб қолишининг сабаби қасрнинг ниҳоятда гўзаллигидан дейишади.

Биз хўжаилғорликларнинг Амир Темур давригача ва ундан кейин ҳам шу қишлоқни ўзларига маскан қилиб келган аждодларимиздан ўтиб келаётган турли ривоятларни мароқ билан тингладик. Энг асосийси, кўҳна тарихимизга асос солган бу ҳикоятлар замирида ҳам маълум бир ҳақиқатлар ётади.

Зиёратгоҳдан Оқсаройнинг элас-элас кўриниб тургани бизнинг сафаримизни яна давом эттиришга ундади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Амир Темур даврида Хоразмдан усталарни Кешга кўчириш 1379 йилларнинг охирига тўғри келса, Оқсарой биноси қурилишининг бошланиши 1380 йилнинг биринчи ярмига мос келади. Оқсаройнинг дастлабки кўриниши ҳақида испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз хотираларида шундай маълумот беради: «1404 йил, 29 август. Элчиларни подшонинг буйруғи билан бунёд этилган катта саройга олиб бордилар. Айтишларича, бу ерда йигирма йилдан буён ишчилар ишлар экан. Ҳатто ҳозир ҳам кўп усталар ишлаб турибди. Саройнинг кириш йўли жуда узун ва дарвозаси ҳам жуда баланд. Катта дарвозалардан сўнг яна бошқа дарвоза бор... Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, ҳовлининг эни уч юз қадам. Ҳовли орқали саройнинг энг катта биносига ўтилади. Бу бинога киришда ҳам жуда катта баланд эшик бўлиб, у олтин, ложуворд ва кошинлар билан моҳирона безатилган... Бу эшик орқали тўрт бурчак шаклдаги қабулхонага кирилади... Бу ердан элчиларни юқори қаватларга олиб чиқадилар. Бу ерда хоналар шунчалар кўпки, уларни бирданига тасвирлашнинг иложи йўқ. Саройдаги безаш ишларнинг барчаси олтин, ложуворд ва қимматбаҳо тошлардан қилинганки, бунга ҳатто Парижнинг усталари ҳам қойил қолиши мумкин...».

Ўз даврида умумий баландлиги 70 метр атрофида бўлган Оқсарой биносининг ҳозирги кунда сақланиб қолган қисми 38 метрга тушиб қолгани маълум. Саройни безашда нақшинкор усулларда битилган диний-фалсафий ёзувларга алоҳида эътибор берилган. Оқсарой деворларида катта араб ҳарфлари билан «куфий» ёзувида «Султон Аллоҳнинг ердаги сояси», дея битилган пурҳикмат сўзлари ҳар кишини ҳидоятга чорлайди. Ундан ташқари яна шу ғарбий устуннинг олд томонида «Агар кимки, бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга боқсин», деган машҳур хитоби ҳам бўлган. Бу хитоб Амир Темур номидан ёзилган бўлиб, бир вақтнинг ўзида Соҳибқироннинг куч-қудратидан, маънавий бойлиги ҳамда меъморларнинг ҳур фикрлилиги, нозик дидлилигидан далолат беради.

Зиёратимиз асносида Оқсарой яқинидаги Амир Темур музейига ҳам ташриф буюрдик. Унда сақланаётган экспонатлар сони 20 мингга яқин. Эътиборимизни тортган жиҳати шундаки, бу ерда неча юз йиллар илгари араб ёзувида кўчирилган муқаддас Қуръони каримнинг китоб ҳолидаги кичик нусхаларини кўрдик. Айтишларича, бу китобчаларни Соҳибқироннинг амирлари ва сипоҳлари ёнларида олиб юрар эканлар.

Дарҳақиқат, қадимги Кеш, бугунги Шаҳрисабзнинг шу муқаддас заминида не-не авлиёлар, парилару султонлар ётибди. Шунданми, бу ерга қадамларим оғир ботмасин, дея оҳиста-оҳиста юргим келди. Сафаримиз поёнига етган бўлса-да, хаёлимда бу юртнинг ҳали кўп яширин сир-синоатлари ўрганилмагандек туюлди. Амир Темур халқаро жамғармасининг вилоят ҳокимлиги билан кенгашиб, ҳар йили бобомиз таваллуд топган кун олдидан илмий-амалий анжуман, таълим масканларида «Темурий баҳодирлар», «Темурий маликалар» номли кўрик-танловларни ўтказиши анъанага айланганидан аҳоли миннатдор бўлишди. Биз Хўжаилғор зиёратгоҳини обод этишга қаратилган эзгу ишлар натижаси билан қизиқиб, бу масалада Амир Темур халқаро жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алига мурожаат қилдик.

— Соҳибқирон номи билан боғлиқ бўлган қутлуғ жойлар обод қилиниб, кишиларни ўзига чорлаб турувчи масканларга айланмоқда, — деди у. — Бу қутлуғ савобли ишлар шак-шубҳасиз Юртбошимиз Ислом Каримовнинг раҳномолигида рўёбга чиқмоқда. Ахир, собиқ иттифоқ даврида Амир Темурни эъзозлаш тугул, унинг номини баланд овозда гапиришнинг ўзи ҳам мумкин эмас эди. Бобомиз таваллуд топган қишлоқ — Хўжаилғор зиёратгоҳини обод масканга айлантириш масаласига келсак, ана шу мақсадда ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан янги режалар ишлаб чиқилган. Бу эзгу ишлар вақтисоати билан амалга ошишига ишонаман.

Менинг энг катта орзуим — Оқсаройни Клавихо тасвирлагани каби бус-бутун макетини яратишга ҳисса қўшишдир, — дейди суҳбатдошимиз Муҳаммад Али. — Бу борада ҳам олиму фозиллар билан бирга илмий изланишлар олиб борилмоқда. Келгусида мақсадларимизга эришсак, бу ерга ташриф буюрган томошабинлар қадимда Оқсарой қандай муҳташам кошона бўлгани ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишади. Буни кўргач, ўсиб келаётган ёш авлод ҳам аждодларимизнинг буюк ишларининг давомчилари бўлиб етишади.

Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ФАРМОН ВА ИЖРО

"МИКРОКРЕДИТБАНК":

ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Маълумки, ўтган йилнинг 10 ноябрида Президентимизнинг "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганди. Хўш, бу борада мазкур молия муассасасининг жойлардаги филиалларида ўтган давр мобайнида қандай ишлар, вазифалар амалга оширилди? "Микрокредитбанк" ОАТБ нинг Хоразм вилояти филиали бошқарувчиси Ғайрат РОМАНОВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

— Ғайрат Шержонович, аҳоли ва мижозларга кўрсатилаётган сифатли молиявий хизматлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Кейинги даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолининг микромолиявий хизматларимиздан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш борасида аниқ мақсадли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошловчиларга ажратиладиган микрокредитлар, кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтиришга ва айланма маблағларни тўлдириш ҳамда кўрсатиладиган микролизинг хизматлари учун бериладиган кредитларга банк оладиган хизмат ҳақи йиллик 3, 5 ва 7 фоиз миқдорида белгиланди. Бугунги кунда банкнинг 5 та филиали, 14 та мини банки тадбиркорлик субъектларига малакали хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Ажратилган микрокредитлар ва амалга оширилаётган микролизинг хизматлари тўғрисида мисоллар келтирсангиз.

— Бу борада ижобий ишларимиз кўп. Масалан, "Сафо мебель" хусусий корхонаси раҳбари Одамбой Муҳаммадовга мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 40 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Натижада тадбиркор жаҳон андозаларига жавоб берадиган мебель тайёрлашни йўлга қўйди. Энг муҳими, ўнга яқин янги иш ўринлари яратилди. "АКFА" маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштирган "Иброҳим Раҳмон" хусусий фирмасига ҳам 25 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Тадбиркор маблағга зарур асбоб-анжомларни келтириб ўрнатди. Натижада 4 нафар ёш иш билан таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бугунги кунда уларнинг ҳаммасида ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланмоқда.

Банкнинг кредит портфели жорий йилнинг 5 ойи давомида 10 миллиард 437 миллион 100 минг сўмни ташкил этди. Шундан 1 миллиард 280 миллион 900 минг сўм қисқа муддатли, 9 миллиард 156 миллион 200 минг сўми эса узоқ муддатли кредитлардир. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 1259 тадбиркорлик субъектига 4 миллиард 585 миллион 600 минг сўмлик микрокредит ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. Белгиланган режа 144,2 фоизга бажарилди. Шундан бошланғич сармояни шакллантириш учун 867 тадбиркорга 1 миллиард 91 миллион 900 минг сўм, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун 344 тадбиркорлик субъектига 2 миллиард 132 миллион 400 минг сўмлик микрокредитлар берилди. 48 мижозга 1 миллиард 361 миллион 300 минг сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди. Шу билан бирга бултур қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта ва ғалла

ҳосилини етиштириш учун жами 6 миллиард 789 миллион 400 минг сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ҳам ажратилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланган жорий йилда эса қишлоқларда турли корхоналар бунёд этиш, сервис соҳасини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, кўплаб янги иш ўринларини яратиш борасида белгиланган дастур асосида фаолият юритилаяпти.

— Юртбошимизнинг фармонлари ҳамда ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга татбиқ этишда филиал ва унинг жойлардаги шохобчалари томонидан амалга оширилаётган ишларга ҳам мисоллар келтирсангиз.

— Мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган манзилли дастур бўйича банк филиалларига ўтган йил давомида 137 миллион 600 минг сўмлик прогноз белгиланган эди. Амалда эса 769 миллион 300 минг сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, Юртбошимиз томонидан қабул қилинган 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга асосан ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш ва истеъмол кредитларини ажратиш бўйича ўтган йили 1 миллиард 34 миллион 800 минг сўмлик микрокредитлар мазкур соҳага йўналтирилди. Ушбу хайрли иш жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса 400 дан кўпроқ кам таъминланган оилаларга кредитлар ажратилди. Умуман банкимиз томонидан ўтган йили ажратилган микрокредитлар ва микролизинг хизматлари эвазига вилоятимизда 3381 та янги иш ўринлари ташкил қилинганини қувонч билан таъкидлаш жоиз.

Яна бир гап. Юртбошимизнинг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2008 йилнинг ўзида 14 миллиард 963 миллион 400 минг сўмдан кўпроқ нақд пул маблағлари банк кассаларига кирим қилинди. Омонатларга жалб қилинган нақд пул маблағлари миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Мижозларни банкка жалб қилиш борасида қандай тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилаяпти.

— Барча шаҳар ва туманларда Савдо-саноат палатаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси, Хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда "Микрокредитбанк" ОАТБ Хоразм вилоят филиали семинарлар ўтказиш бўйича дастур тузиб, шу асосда жойларда турли тадбирлар, мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда. Бундай тадбирларда Президентимизнинг "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти атрофлича тушунтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, молиявий муассасамиз жамоаси тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга ўзининг улушини қўшиб, уларга таянч бўлаяпти.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ суҳбатлашди. ®

САМОЛЁТ ЙЎЛДА ЙЎҚОЛДИ

AirFrance авиакомпаниясига қарашли А330-200 самолёти Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳридан Парижга келаётган пайтда йўқолиб қолди. Ҳаво лайнери бортида 126 нафар эркак, 82 нафар аёл, 8 нафар бола, жами 216 нафар йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзолари бор эди.

Йўловчиларнинг асосий қисми бразилияликлар бўлган. Хабарларда қайд этилишича, самолётда 5 нафар Италия, 40 нафар Франция ва 20 нафар Германия, ҳаммаси бўлиб қирққа яқин мамлакат фуқаролари бўлгани ҳам айтилмоқда.

Франция пойтахти сари учган самолёт Бразилия қирғоқларидан 350 километр узоқликда, Атлантика океани устида радарлар назоратидан чиқиб кетган. Ҳаво лайнерини қидириш билан махсус қутқарувчилар гуруҳи шуғулланмоқда.

ЕИ ТАН ОЛМАДИ

Европа Иттифоқи раҳбарияти Жанубий Осетияда бўлиб ўтган парламент сайловлари якунларини тан олмади. ЕИга раислик қилаётган Чехия вакилининг таъкидлашича, бу сайлов Грузиядаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишдан бош тортишдир.

Расмий Брюссель ўз баёнотида Грузиянинг суверенитети ва ҳудудий бутунлигини тан олишини таъкидлади.

Хабарларга қараганда, Жанубий Осетияда бўлиб ўтган сайловда президент Кокайта раҳбарлигидаги "Бирдамлик" партияси ғолиб чиққан. Шунингдек, Коммунистик партия ва Халқ партияси вакиллари ҳам парламент таркибига кирган.

ВИЗА РЕЖИМИНИ БУЗГАНИ УЧУН

Шу йилнинг 27 май куни Қоҳиранинг Мадинат-Наср туманида бир неча нафар Россия фуқароси ҳибсга олинган. Уларнинг асосий қисми Ал-Азхар университетида таълим олаётган шимолий кавказлик ёшлар эди. РИА новос-

ти мухбирининг хабар беришича, уларнинг кўпчилиги ҳужжатлари текширилгач қўйиб юборилган. Лекин 15 нафар Россия фуқароси депортация қилинади. Улар виза режимини бузганликда айбланмоқда.

Миср ҳукумати вакиллари нима учун бундай текширув ўтказилгани ҳақида ҳеч нарса дейишаётгани йўқ. Айрим манбаларда айтилишича, 4 июнь куни Мисрга расмий сафар билан келадиган АҚШ президенти Барак Обаманинг хавфсизлигини таъминлаш учун шундай йўл тутилган.

МУЗОКАРАЛАР ҚАЙТАДАН БОШЛАНАДИ

Куба ва Америка Қўшма Штатлари миграция ҳамда почта алоқалари бўйича музокараларни қайтадан бошлашга қарор қилишди. Associated Press хабарига қараганда, Оқ уйнинг бу ташаббусига Куба раҳбарияти розилик билдирган. АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтоннинг таъкидлашича, музокаралар нафақат Куба ва АҚШ, балки бутун ғарбий ярим шар манфаатларига хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, собиқ президент Жорж Буш даврида икки томонлама музокаралар тўхтаб қолган эди. Куба ҳукумати вакиллари расмий Вашингтон билан терро-

ДАРАКЛАР

ризм, наркотрафика ва табиий офатларга биргаликда курашишга ҳам тайёр эканини билдирди.

Кеча Гондурасда Америка давлатлари ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди. Тадбирда Кубани бу ташкилотга қайтариш масаласи ҳам муҳокама қилиниши кўзда тутилган.

КУРДИСТОННИНГ НЕФТЬ ҚУВУРЛАРИ

Ироқ Курдистони кеча ўз тарихида биринчи марта нефть экспорт қилишни бошлади. Эрбиль музофотидаги Так-Так ва Тавка конларидан қазиб олинган хомашё нефть қувури орқали Туркияга узатилди.

Ушбу нефть қувурининг ишга туширилиши маросимида Курдистон президенти Маъсуд Барзани ва Ироқ президенти Жалол Талабани иштирок этди.

Dow Jones Newswires хабарида айтилишича, Ироқ Курдистони ҳар куни 100 минг баррелга яқин қора олтин экспорт қилади. Бир йилдан сўнг нефть сотиш ҳажми тўрт ярим бараварга кўпаяди.

МАҲБУСЛАР ҚАМОҚДАН ҚОЧИШДИ

Перунинг шимолида жойлашган San Humberto de Bagua Grande қамоқхонасидан 44 нафар маҳбус қочиб кетган. Бу ҳақда AFP ахборот маҳкамаси хабар тарқатди. Кеча эрта тонгда пичоқ билан қуролланган маҳбуслар икки қўриқчига ҳужум қилишган. Натижада марказий дарвозани очишга муваффақ бўлишган.

Маҳбуслар АК-47 автоматини қўлга туширишган ва қўриқчилардан бирини гаровга олишган. Мамлакатда уларни қўлга тушириш бўйича амалиётлар бошланди. Ҳукумат Амазонка бўйида яшаётган аҳолидан маҳбусларни излаб топишда ёрдам сўради.

Интернет хабарлари асосида **Аслиддин БОЗОРОВ** *тайёрлади.*

СОҲА

Асаларичиликка янада эътибор керак

Бойсун туманининг "Пойгабоши" маҳалласида оқ-сариқдан келган, ёши саксонларни қоралаб қолган бўлса-да, ҳамон қадди-қомати тик, қадам олишлари илдам бир одам умргузаронлик қилади. Уни кўпчилик "домла", баъзилар "мисгар", айримлар эса "асалчи бобо" деб ҳам аташади. Асл исми Хидир Сатторов бўлса-да, у ҳамқишлоқларининг бундай мурожаат қилишларидан асло ранжимайди.

Негаки, Хидир бобонинг асл касби ўқитувчилик. Кам эмас, 46 йил мобайнида математика, геометрия фанларидан ёшларга пухта билим берди. Мисгарлик эса ота касби. Падари бузруквори Саттор Жабборов Бойсуннинг обрўли одамларидан бири эди. Мисдан буюм ясаб, унга безак беришда қўли гул уста бўлган дейишади. Фарзанди ҳам отасининг ёнида туриб, бу ҳунарни ўрганди, ўзи ҳам одамларнинг ҳожатини чиқарди.

Мустақил ҳаётга қадам қўйгач, асалари боқишни ўзига иккинчи касб-кор қилиб олди. Хидир акани доимо кенг далада, боғлар четида қизғин иш устида учратиш мумкин. Биз ҳам у кишига айни шундай пайтда дуч келдик.

Бошига тўр кийган Хидир бобонинг атрофида асаларилар визиллаб учиб юрар, боши узра ғужғон урарди. У яшикларни очиб, ариларнинг соғ-омонлигини, озуқаси етарли ё озлигини кўздан кечирди. Рамкаларда ари болалари бўлса, демак она ари ҳам шу ерда, кўнгилни хотиржам қилса бўлаверади.

— Асаларини бежиз етти хазинанинг бири дейишмайди, — дейди Хидир бобо. — Бу касб билан шуғулланган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Аммо заҳматли меҳнат талаб қиладиган касб бу. Маҳсулдорлик юқори бўлиши учун жониворларга шароит етарли бўлиши лозим.



Масалан, мен хушбўй гуллайдиган ўсимликлар мўл бўлган далаларни танлайман. Асаларилар ана шундай майдонларда парвариш қилинса, бир мавсумда ҳар оиладан 12-15 килогача асал олиш мумкин.

Хидир Сатторов эллик тўрт йилдан буён асаларилар билан "сир"лашиб келади. Дастлабки йили у тўртта асалари оиласини парваришлаган экан. Ҳозир уларнинг сони юзтага етди. Қолаверса, ҳар йили 4-5 нафар киши Хидир бободан асалари оилаларини харид қилади, уларни парваришлаш тўғрисида маслаҳатлар сўрайди. Ҳамқишлоқлари ибораси билан айтганда "асалчи бобо" асаларилар кўпайтириш бўйи-

ча ҳам катта ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Энг муҳими, олинадиган маҳсулотларнинг шифобахшлигида, — дейди оқсоқол. — У инсон ҳаёти, унинг саломатлиги учун жуда зарур неъмат. Биласизми, бир килограмм асал юқори калорияли қувватга эга бўлса, даво деб бекорга айтишмаган.

Албатта, соҳада ўзига хос муаммолар ҳам бор. Масалан, бундан 30 йилча илгари туманда асаларичиликка ихтисослаштирилган "Авлод" хўжалиги ташкил топган эди. Унда 6000 дан зиёд асалари оиласи парвариш қилиниб, йилига 90 тоннага яқин шифобахш неъмат олинарди. Ундан биргина бойсунликлар эмас, балки вилоят, республика аҳолиси ҳам баҳраманд бўларди. Ўша пайтда хўжалик асалини излаган харидорларнинг сони чексиз эди. Авалига, етарлича шароит яратиб берилмагани оқибатида асаларилар оиласи сони кескин равишда камайиб кетди. Кейин хўжалик тугатиб юборилди. Асал инсон саломатлиги учун ниҳоятда қимматли, шифобахш неъмат эканини назарда тутадиган бўлсак, уни кўп миқдорда етиштириш, маҳсулдорлигини оширишнинг вақти етмадимикан? Бу борада илк қадамлар қўйилди ҳам. Авлод қишлоғида ихтисослаштирилган олтита фирма ташкил этилди. Уларга "Агробанк"нинг Бойсун туман филиалидан 150 миллион сўм кредит ажратиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Ана шу мақсад амалга ошса, қўшимча яна 50 нафар киши ишли бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Хидир Сатторов ва унинг Раҳмат Тўраев, Ғайрат Хўжақулов, Мамаризавой Насимов, Зокир Турсунов, Исроил Очилов, Хайрилло Имомалиев сингари ўнлаб издошлари аҳолини шифобахш асал билан таъминлашда, бу маҳсулотга бўлган танқисликни бартараф этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Омон ШУКУРОВ ®

ДИД ВА

ёки кино асарлардан гўзаллик излаганда бош

Бундан роса беш йил олдин Юртбошимизнинг кино санъатимиз ривожи учун амалий ғамхўрлик намунасини кўрсатиб қабул қилган "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва ҳукуматимизнинг шу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадидаги "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг самараси ўлароқ, бугун миллий кино санъатимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Жиддий ва узоқ давом этадиган ижодий жараённи талаб қиладиган киночиликда маълум натижага эришиш учун фурсат керак бўлди. Зеро, омилкорлар эътироф этганларидек, бир йилда ҳосил оламан деган киши буғдой экиши керак. Олма емоқни ният қилган эса камида 3-4 йил ҳосилни кутиши лозим. Ҳайтовур, бундан беш йил олдин кино санъати боғига қадалган кўчатлар амал олиб, бугун сархил мевалар тугиб турган экан, ундан фақат қувонмоқ даркор. Яна, омилкорларнинг мантиғича, йиллар ўтган сари дарахт томирлари чуқурроққа кетаверади ва парвариш суръати сусаймаса, дарахтнинг меваси яна ҳам шиғил бўлиб, ўзи дуркунлашиб бораверади. Инчунун, бугун давр шамолида майин товланиб турган кино дарахтидан бундан ҳам мўл, бундан ҳам тотли, бундан ҳам тансиқ мевалар кутишга ҳақлимиз.

Табиийки, яшаш ҳуқуқини қўлга киритган мавжудот ўсиш-улғайишда давом этар экан, борликдан ривожланиш унсурларини ўзлаштириш учун ҳаракатини кучайтириб боради. Тирикликнинг инерцияга асосланган оддий қоидаси эса фаолликни ва ҳамқадам равишда жиддий эътиборни талаб қилади. Эътибор мавжудотнинг ички ғайрат-шижоатини тўла сафарбар этишида ва ташқи муҳитнинг ҳушёр муносабатида акс этиши кўп кузатилган. Бинобарин, борлиқнинг муносабати эса объектнинг такомилида жуда муҳим омил бўлиши мумкин. Бу қоидани мухлисларнинг кино санъатимизга муносабатига ҳам бемалол татбиқ қилса бўлади.

Агар "мухлис" деганда умумий тарзда шу соҳанинг мутахассислари — киношунослар ва кино танқидчилар ҳамда оддий томошабинлар (аниғи истеъмолчилар)ни умумлаштириб, уларнинг масалага муносабатини солиштирадиган бўлсак, қарама-қарши манзарага дуч келамиз. Ўтган йилги кино маҳсулотлари сарҳисобида қатнашиш жараёнида бир умумий ҳолнинг гувоҳи бўлдик: муҳокамаларда мутахассислар танқиддан кўра, мақтовга сахий эканлар. Уларнинг ширин эътирофларини тинглаб, кишида беҳосдан дунёдаги энг нодир, дурдона асарлар ўзбек кинематографиясида яратилаётган экан-да, деган тотли таассурот пайдо бўлади. Ҳақиқатда эса аҳвол у даражада эмас. Тўғри, силжиш бор, эҳтимол, ўсиб келаётган мурғак ниҳолга эътибор, илтифот керакдир, бироқ ижод намунаси сифатида ҳар бир кино асар дунё мезонлари даражасида муносиб ва ҳалол баҳосини олмас экан, аслни ноаслдан, ҳақиқий санъат асарини чўнтак учун ишланган "кўлбола"сидан ажратиб бўлмай қолади. Зеро, кино оламида "кино санъати" ва "кино саноати" деган тушунчалар бақамти яшашини эсда тутмоқ керак. Балки, ростдан ҳам энг яхши фильмлар бизда яратилаётгандир-у, дунё кино ихлосмандлари бу мўъжизадан бехабардирлар, деган андиша билан энг "иштаҳаси карнай" — кино бўлса, кўраверадиган мухлиснинг фикри билан қизиқилганда аксарият фильмларимиз ҳақида "Бир марта кўрса бўлади", дейди энсаси қотиб.

"Бир марта кўрса бўлади". Аслида, бу жуда мавҳум баҳо. Асар бир



марта нафас олди-ю, жон берди, яшаб кетолмади! Бунақада ижод маҳсулининг абадийлиги ҳақида, умуминсонийлик, мумтозлик ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Энди мутахассис ва томошабиннинг бир саволга икки жавобини — бир масалага икки хил муносабатини муҳокамамиз майдонининг икки четида тикланган икки девор — дид ва меъёр сиртига уриб кўрайлик. Мутахассислар мақтовда меъёрдан чиқиб кетдиларми ёки томошабинларда юксак санъат асарини тушунадиган дид етишмайдими? Балки униси ҳам, буниси ҳам ўз ўрнида тўғридир. Ҳақиқат ким томонда эканини ажрим қилиш учун балки тилимиздаги бу икки сўз қандай маънолар ташишини билиб олиш керак бўлар ёхуд эстетика фанига доир дарсликларда бу икки категориянинг таърифи қандай келтирилганини эслаб ўтиш ўринлидир.

2006 йилда нашрдан чиққан "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ёзилган: **"Дид** — гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти; Ақл-фаросат, фаҳм, идрок" (1-ж., 606-б.). **"Меъёр** — расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида; бирор нарса, иш ва шу кабиларнинг миқдор, даража жиҳатдан талабдаги белгили ўлчами; Ана шу меъёр*(талаб)*ни белгиловчи асос-кўрсатгичлар; Чек-чегара" (2-ж., 585-б.).

Тушунча (сўз)ларнинг изоҳини диққат билан ўқисак, дид ва меъёр (ёки меъёр ва дид) ҳар қандай санъат асарини ўраб турувчи қобиққа ёки уни тутиб турувчи ўқ (стержен)га ўхшайди. Бири ижодкор мажбуриятини ёркинроқ ифодаласа, бири томошабинга маълум талаблар қўяди. Аслида бундай чегара нисбий бўлиб, икки тараф — ижодкор ва томошабинни ажратиб қўймайди, негаки, бундай бўлиниш мантиқан нотўғри. Ижодкор томошабин учун "ишлайди", томошабиннинг хоҳиши, қизиқиши ва албатта, диди унга маълум масъулиятни юклайди, қатъий талаблар қўяди. Томошабин эса ижодкордан юқори савияли асар кутиш баробарида ундан қарор топган умуминсоний ва касбий меъёрларга амал қилишини "овоз чиқармай" сўрайди. Бу икки шартнинг мукаммал бажарилиши умумий муваффақиятни таъминлар экан, умуман кино санъати ва аниқ бир асар ҳақида фикр юритганда дид ва меъёр (ёки меъёр ва дид) тушунча (аслида — талаб)ларини баравар қўллаб муносабат билдириш, баҳолаш холисона ёндашувни таъминлайди, деб ўйлаймиз. Бинобарин, дид — "қобилият", меъёр — "...мажбурий деб ҳисобланган ... тартиб-қоида" даражасида амал қилар экан, бу бирликда алоҳида шахс(лар)нинг табиий имкониятлари ва ижтимоий тузумда қарор топган, ҳатто тўғрилиги "мажбурий" жорий қилишгача (барча табақа ва муассасалар учун) тан олинган "қонун ҳукми"даги тартиблар уйғунлашиб кетгани кўриниб турибди. Ўз-ўзидан маълум бўлиб қоладики, дид ва меъёр талаблари билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Бундай вобасталикни халқимиз турмушида азалдан жорий бўлган амаллар мисолида кузатиш ниҳоятда мароқли. Гўзаллар ҳуснини янада ошириш учун қошларига ўсма тортадилар. Бу ҳолни шоирлар етарлича мадҳ этганлар ва уларнинг эътирофи шундаки, қошга тортилган ўсма жононнинг чиройини чиндан ҳам оширib юборади! Агар воқеликка скептикларча ёндашадиган бўлсак, ҳар қандай ўсма ҳам гўзалликка хизмат қилавермайди ёки ҳар қандай қошга ҳам ўсма ярашавермайди (истисно тариқасида бир мулоҳаза — эркаклар нега ўсма қўймайди?). Бу амалнинг, яъни ўсма қўйишнинг чинакам санъат даражасига кўтарилишида бизнинг ҳозирги муҳокамамиз марказига қўйилган "дид ва меъёр" талаблари беихтиёр ҳукмини ўтказади. Тасаввурни ойдинлаштириш учун чаплаб ташланган ёки фақат бир томонга тортилган ўсмани кўз олдига келтириш кифоя. Демак, маълум талаблар асосида тортилган ўсмагина гўзаллик ҳисобланади, ҳамма ва ҳар қандай ўсма эмас! Бу оддий хулосалар фақат жузъий маънода эмас, умумий тарзда асоси, жони ГЎЗАЛЛИК бўлган санъатнинг талабларидир. Жумладан, кино санъатида ҳам бу қоидалар доимо амалда.

Маълумки, экранда кечадиган ҳаёт лавҳаси борлиқда рўй берган турмуш манзараларининг айнан суратга туширилган нусхаси эмас, балки ижодкорлар томонидан танланган, сайқалланган ва ижро этилган нусхасидир. Ана шу жараён — ҳаёт лавҳаларини экранга кўчириш маҳорати турли даражада ва ҳар хил кечади. Натижада экран ҳақиқати билан ҳаёт ҳақиқати (аслида — ҳаёт ҳақиқати билан экран ҳақиқати) қанчалик мос келганида ва санъат асарининг зуваласида йўғрилган умуминсоний ғоялар талқинида фильмнинг баҳоси акс этади. Ана шу баҳо ижодкорлар баҳосини, қолаверса, миллий санъат даражасини белгилаб беради. Гўё бир сиқим лойдан кимдир ғишт қуяди, кимдир кўза тайёрлайди. Ҳар икки ашёнинг ҳам тирикчилик бозорида ўз ўрни бор, фақат мавқеи бўлак: биридан девор кўтарилади ва сувоқлар ичида кўринмай кетади, бири эса қўлмақўл юриб, давраларнинг тўридан жой олади. Албатта, бундай бирбиридан фарқланувчи кескин даражани ўша ашёларга ГЎЗАЛЛИК унсурлари қанчалик тажассум топгани (синггани), жумладан, дид ва меъёр талабларига қанчалик амал қилингани белгилайди. Лойдан ғишт ясалганидан ҳам, кўза яратилганидан ҳам ҳеч ким хафа эмас. Шуниси борки, ғишт қуйиш анчайин жўн иш, бунинг учун махсус малака ҳам талаб қилинмайди. Кўза ясаш эса санъатга дохил, кўза — нафосат аҳлининг севимли тимсоли (баайни "Ёр аксини майда кўр, деб КЎЗАдан чиқди садо" деган сатрни рақам қилмишлар ҳазрат Навоий). Одатдаги ҳол шуки, саъй-ҳаракатлар самарасида "кўза" пайдо бўлмаса, истисно тариқасида сўнгги илинж сифатида "ғишт" билан ҳам кифояланилади. Бу хулосани ҳозирги ижодий жараёнларни кўз олдига келтирган одам, қайта-қайта тасдиқлаши мумкин. Шинавандалар эса мутасаддилар (соҳани касб қилиб танлаганлар)дан чинакам санъат асарларини кутадилар. Таскин берадиган илинж шундаки, бу йўлда дадил изланишлар бўлаяпти ва сезиларли натижалар ҳам бор.

Мақсад холис бўлса, нега доим ҳам унга эришилавермайди, деган табиий савол юзага чиқаверади. Бундай мулоҳаза эса бугун пайдо бўлгани йўқ. Негаки, бирор санъаткор азбаройи ёмон асар яратаман, деб ижод майдонига қадам қўймайди. Фақат хоҳишларимиз билан ҳисоблашмайдиган мезонлар мана бундай хулосани бизнинг қўлимизга тутқазиб қўяди: "яхши чиқмабди". Хўш, иллат қаерда? Бу саволга охиригача жавоб топиш мумкин эмас (охирги жавоб ҳаракатнинг боқийлиги қадар чексизликда). Фақат баъзи жорий мулоҳазалар, тажрибадан келиб чиқадиган хулосалар, таққослар (ахир дунёни лол қолдираётган санъат асарлари оз бўлса ҳам мавжуд-ку) масаланинг айрим жузъий томонларини ойдинлаштириши мумкин.

Шинавандалик табиатидан маълумки, еттинчи осмондаги илоҳий кайфиятни арзимаган бир унсур (масалан, пашшанинг ғинғиллаши) ер билан яксон қилиб ташлаши мумкин. Жўн ишқибозликда амал қиладиган бу ёзилмаган қоида мукаммал санъат асари қўзғаган нафис кайфият давомида бундан ҳам кучли акстаъсир қилиши мумкин: битта ноўрин ифраш вазиятни ҳам, кайфиятни ҳам бузиб юбориши бор гап. Одми бир мисол. Экранда миллий турмуш тарзимизга хос воқеалар кечмоқда. Томошабинларга нон исидек қадрдон туйғулар юққан, ҳамма болалигида алла тинглаганидагидек роҳатланаяпти. Нурлар чамани навбатдаги лавҳани ҳикоя қилишни бошлайди: ой-куни яқинлашган жувоннинг кўзи ёримоқда. Вазиятнинг нақадар нозиклигини ва нафислигини бу ҳолатни ифодалайдиган халқ иборасининг қанчалар пардага ўралганидан ҳам ҳис қилиш мумкин: "туғаяпти", "бола кўраяпти" эмас, **"кўзи ёрияпти"!** Бу ҳолатни фильм таъсирчанлигини кучайтириш, жумладан, миллий колоритни бўрттириб акс эттириш мақсадига бўйсундириб, қуюқ бўёқларда тасвирлаш учун кино ижодкорларда етарлича имконият бор.

TURON BANK

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ТУРОН БАНК"

миллий валютада қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

«БАҲОР»

сақланиш муддати **3 ОЙ,**
омонат фоизи йиллик **30%,**
фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ТОШКЕНТ — 2200»

сақланиш муддати **12 ОЙ,**
омонат фоизи йиллик **24%,**
фоизлар ҳар ойда берилади, омонат 2009 йилнинг 30 июнига қадар қабул қилинади.

«Турон банк» — сармоянгизнинг барқарор ўсиши

Хизматлар лицензияланган.

Сўм пластик карталари

"Турон банк" пластик карталари нақдсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда замонавий ва қулай тўлов воситасидир. Карта ёрдамида унинг эгаси ўз ҳисобидаги маблағни бошқариши, нақдсиз шаклдаги хизматлардан фойдаланиши ва товарларни харид қилиши, банк филиалларидаги банкоматлардан нақд пул олиши мумкин.

«Турон банк» сўм пластик карталари

Республика миқёсида жойлашган филиаллар орқали нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини яратади.

Пластик карта ҳисоб рақамидаги маблағингизни истаган вақтингизда кўпайтириш ёки пластик карта ҳисоб рақамидаги пулни истаган вақтингизда олишингиз мумкин.

Республика миқёсида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш имконига эга бўласиз:

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, уяли алоқа компанияларида хизмат ҳаққини тўлаш, товарлар сотиб олиш, меҳмонхона хизмати, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларидан ва метродан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Республика бўйлаб жойлашган махсус кассаларда терминаллар орқали коммунал тўловларни амалга оширишингиз мумкин.

Пластик картангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.

Пластик карта омонат дафтарчаси ҳамдир

Пластик карта эгалари учун ундаги қолдиқ суммага ҳар ойда устама фоиз қўшилиб боради ва асосий маблағ ҳам мос равишда кўпайиб боради.

Омонат дафтарчаси каби пластик карта ҳам маблағингизни жамғариш имконини беради.

Пластик картанинг омонат дафтарчадан афзаллиги шундаки, картангиздан барча оила аъзоларингиз ва яқинларингиз фойдаланиши мумкин.

Пластик картангиздан барча омонат турларига маблағ ўтказишингиз ва олишингиз мумкин.

Пластик карта ишончли ва қулай

Энг муҳими, ўзингиз билан катта миқдордаги нақд пулни олиб юришдан халос бўласиз.

Картангиз бўлса, пулларингизнинг йўқолиш ёки ўғирланиши мутлақо содир этилмайди.

Пластик картангизни йўқотган тақдирингизда йўқотганлик тўғрисида банкка қилинган мурожаатингиздан сўнг ундаги пулларингиз дарҳол музлатилади ва Сизнинг картангиздан ҳеч ким фойдалана олмайди.

Пластик картангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагидан, ҳар қандай банкка нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

VISA Халқаро пластик тўлов тизими

ОАТ "Турон банк" ўз хизматлари доирасини кенгайтириш ҳамда мижозларига республикадан ташқарида турли тўловларни амалга ошириш мақсадида *VISA* халқаро тўлов тизимини йўлга қўйди. *VISA* пластик карталарига эга бўлган мижозлар дунёнинг 150 та давлатида 29 млн.та савдо терминалларидан, 1 млн.та банкоматдан фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда "Турон банк" ўз мижозларига 4 турдаги *VISA* пластик карталарини таклиф этади. Булар ***Visa electron. Visa classic. Business df Visa Gold.***

"Турон банк" омонатларининг тўлиқ рўйхати ва сизни қизиқтирган бошқа маълумотлар билан банкнинг филиалларида ёки www. turonbank.uz сайти орқали танишишингиз мумкин. Қўшимча маълумот учун телефон: (+99897) 700-55-55

КУЗАТУВ

МЕЪЁР

ана шу икки “девор”га тегаверади

Албатта, ҳолатнинг ўта интимлиги масъулиятни ҳам оширади, билъакс, кичкина унсурда қовун тушириб қўйиш мумкин. Шундоқ бўлган ҳам: момо-дояларнинг ҳаяжонли чеҳралари фонида дужон (бўйи юклик) аёлнинг тўлғоқ изтироблари. У безовталанади ва ингайди. Бу ингроқ шунчалик кучли ва бепардаки, кўчадан келаётган эрига ҳам эшитилади. Энди бу лавҳани кўраётган, бир лаҳза олдин қадрдон ҳислар оғушида лаззатга чўмган томошабиннинг ҳолатини ва унинг асарга баҳосини тасаввур қилаверинг. Бизнинг кино ижодкорларимиз “масала”га ана шундай ёндашадилар.

Бир фильм (аниқроғи телефильм)да воқеалар шундай кечади: бахти очилишини ўн йиллар давомида кутган тиббиёт ходими, ниҳоят, мижозлар орасидан ўз “бахт”ини учратиб қолади, унга ишонч билан қалбини очади. Фақат ноўрин ва асоссиз рашк (синглисидан!) туфайли анча пишиб қолган ақлининг ҳам, чанқоқ қалбининг ҳам нидосига қулоқ тутмай, эркакнинг юзига тарсаки тортиб юборади. Сингил ўзини таништиргач, ҳаял ўтмай апоқ-чапоқ бўлиб кетишади. Бу шунчаки енгилтакликми (унақада аёлнинг неча ўн йиллар бировга кўнгил бермай, тенгини кутгани қаерда қолади?), ўзбекона одоб меъёрларини билмасликми (эркак кишининг юзига уриш аёлнинг энг оғир ҳақоратидир) ёки навбатдаги дидсизликми?

Тўғри, ҳаётда бундан ҳам бебурд ҳолатлар юз бериши мумкин, аммо экран учун танланган ҳаёт парчасида қай даражададир маънавий юк бўлиши керак-ку!.. Афсуски, бундай саҳналар жуда кўп учрайди ва ижодкорларнинг шунақа шартаки лавҳаларга рўжу қўйганларининг сабабини тушуниш қийин. Умуман, бизнинг кино асарларимиз “ўт чақнайдиган” (агрессив) лавҳаларга бой бўлади: кескин қўл ҳаракатлари, муттасил бақириб гапирилади, бўлар-бўлмасга қаҳрамонларнинг жаҳли чиқиб кетаверади, бобиллаб жанжал қиладилар, шовқин-сурон солиб кўз ёш тўкилади (фарёд чекилади), аччиқ-заҳар гаплар тўкиб солинади. Баъзан шундай бўладики, экранда кечаётган воқеаларни (айниқса, телефильмларда) мўътадил қон босими билан кўришнинг иложи қолмайди, асаблар таранглиги томошабинга ҳам ўтади, бундай пайтда дам эмас, “ғам” олинади. Ҳолбуки, санъат асари инсон руҳиятига зарар етказмайдиган воситалар кўмагида эзгуликни тарғиб қилиши лозим. Вақтни сарф қилиш эвазига орттириладиган даҳмазанинг эса ҳеч кимга кераги йўқ. Бундай ҳолатлар ҳам меъёрни билмасликдан, гўзаллик ва нафосатни ҳис қилиш қобилиятининг сустлиги, етказиш маҳоратининг заифлигидан эмасмикан?

Умуман, гап ҳаёт ҳақиқатини бутун бўй-басти билан образли акс эттириш ҳақида кетаётган экан, гоҳида айрим режиссёрларнинг ҳеч қандай талабларни писанд қилмай, қаҳрамонларнинг бурнидан “ип ўтказиб олиб судраш”ларини тушуниб бўлмайди. Ўғил тўшакдан отилиб чиқиб, ота билан учрашишга боради. Зотан, оила маданиятимиз талаблари бўйича юзни ювмай салом ҳам берилмайди. Ёки ўриндан турмай кофе ичиш... Булар режиссёрнинг миллийликдан бехабарлиги ва ёт удумларга сажда қилишдан бошқа нарса эмас. Ёки нега тагли-тугли, ҳатто оилали аёлнинг кўнгли бир муҳожир кимсага суст кетиши керак? Бундай муносабатнинг тагида нима яширинган? Кўнгил эркинлигини улуғлаш, қалб кечинмаларини ардоқлашми? Ҳолбуки, бизнинг азалий тартибларимиз, ахлоқимиз истакларга эрк бермаслик, туйғуларни жиловлашга асосланган. Аксинча бўлса, ҳеч муболағасиз бу ҳол ахлоқсизлик деб қаралган, бундай тартибларни бузганларга қатъий муносабат билдирилган.

Ўтган йили турли мавзуларда кўплаб фильмлар яратилди. Уларнинг савияси ҳам, мавзуси ҳам ҳар хил. Аммо битта умумийлик кўзга ташланиб қолган: кўпгина асарларда дафн ёки таъзия билан боғлиқ маросимлар ҳафсала билан тасвирланган. Тўғри, қазои қадар — ҳақ, ҳеч ким бу кундан қочиб қутула олмайди. Бироқ, шу ҳаёт ҳақиқатини қайта-қайта таъкидлаш, шу орқали таҳдид солиш шартми? Аслида бундай саҳналар арзон оммабоплик ёки осон таъсир этиш учун ўйлаб топилган халтура усулга ҳам ўхшайди (негаки, қайғули лавҳалар хоҳлаймизми, йўқми ҳаяжон билан, нафасни ичга ютган ҳолда кўрилади). Бу борада ҳам меъёр сақланса, қора нуқталарга, тушкун кайфиятга ургу берилавермай, ёрқин лавҳалар, шодлик мотивлари кўпроқ акс эттирилса, томошабинларга ҳаётсеварлик, келажакка умид ва ишонч туйғулари улашилса, кўтаринки руҳ бахшида этилса томошагоҳларга келувчи одамлар сони ҳам кўпайган бўлармиди!? Санъатнинг азалий тамойилларидан бири ҳам тирикликни улуғлаш, нурли, эзгу ғояларни тарғиб қилиш эмасми?

Албатта, мулоҳаза-мушоҳадага ундайдиган жиддий фильмлар кўпайиб қолди (бир мухлис эътироф этганидек, “энди уч кун байрам бўлса ҳам телевизордан ўзимизнинг фильмларимизни кўраверамиз”). Шу билан бирга ҳаваскорлик киночилиги ҳам ривожланмоқда. Гарчи бундай “асар”лар санъат даражасида эмас, тафаккурга озуқа бермайди, деб писанд қилинмаса-да, томошабинлар оқими шу томонга йўналган. Қизиқ ҳолат: бадиийлик талабларидан йироқ, енгил-елпи мавзулар юзаки ва уқувсизлик билан ёритилган “асар”лар жаноб томошабинга кўпроқ манзур бўлса-да, қанча ижодий салоҳият, вақт ва маблағ сарфлаб яратилган фильмлар диққатни тортмаса?! Бу бутунлай юзаки таассурот бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, нафсиламбрини айтганда, жиддий фильмларни қабул қила оладиган томошабинлар камайиб кетаётгани ҳам бор гап. Энди масала **томошабиннинг дидини тарбиялаш** атрофида айланмоқда. Бундай муаммо азалдан бўлган ва бўлади. Кўплаб мамлакатларда уни бартараф этиш учун махсус нашрлар, телекўрсатувлар ташкил қилинган, клублар, жамоатчилик уюшмалари мавжуд. Мамлакатимизда кино санъатининг ривожланиши билан кино саноати ҳам тараққий топади ва томошабинлар учун чинакамига кураш ҳам йўлга қўйилади, албатта.

Хуллас, миллий кино санъатимизнинг кейинги йилларда яратилган намуналари қулочни кенг ёзиб фикр юритишга изн беради. Жуда кўп мавзуларда, жумладан, миллийлик ва миллий қадриятларни акс эттириш услублари, бош (асосий) қаҳрамон, ижодкор шахси ва дунёқараши, матн, талқин ҳамда ижро ҳамоҳанглиги, фильмда мусиқанинг ўрни ва албатта, маҳорат масалаларида истаганча баҳс юритиш мумкин. Бундай муҳокамалар соҳанинг кейинги тараққиётида янги уфқларни очади, десак айни ҳақиқатни изҳор этган бўламиз.

Ҳаким САТТОРИЙ

ТАЪЛИМ

Юртимизда юзлаб касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатаяпти. Уларда мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрланмоқда. Таълим тизимида бундай ўқув муассасаларининг ташкил этилиши ўз самарасини берди, албатта. Мазкур тизимдаги баъзи ўқув юртлари фаолияти билан танишган киши бунга амин бўлади.

Ёшлар интиладиган ўқув юрти

Ғаллаорол тиббиёт коллежи Жиззах вилоятидаги ана шундай ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Ушбу таълим даргоҳида тажрибали, фидойи педагогик жамоа шаклланган. Бу малакали кадрлар тайёрлаш имконини бермоқда.

— Ўқув масканимизда тўртта йўналиш бўйича 1976 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Улар даволаш, акушерлик, ҳамширалик ва ҳамширалик иши деб номланиб, 90 дан ортиқ тажрибали мутахассис ўқитувчи билим ва касб сирларини ёшларга ўргатиб келмоқда, — дейди тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари номзоди Ҳамроқул Сулаймонов.

Ўқув юртида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилган бўлиб, янги педагогик технологиялар асосида бўлажак ҳамшираларга чуқур билим ва кўникма ҳосил қилишда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, ушбу ўқув йилида 15 нафар ўқитувчи пойтахтимиздаги малака ошириш муассасаларида ўз тажрибасини ошириб қайтди.

— Бизда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш маркази ташкил этилган, — дейди коллеж директори ўринбосари Тангир Имомов. — Мазкур марказ иқтидорли ўқувчиларни аниқлаб, улардан алоҳида гуруҳлар шакллантиради. Истеъдодли ўқувчилар билан ишлаш учун алоҳида ишлаб чиқилган режага кўра, белгиланган график асосида машғулотлар олиб бориш мақсад қилиб қўйилган. Бундай усул истеъдодли талабаларни фан тўгаракларига ва илмий конференцияларга жалб қилиш имконини ҳам бермоқда.

Коллежда самарали ўқув тизими йўлга қўйилгани ўз натижасини бермоқда. Ўқувчилар туман ва вилоят босқичидаги фан олимпиадаларида фаол қатнашиб фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлишаяпти. Масалан, биология фанидан Д-209-гуруҳ ўқувчиси Сардор Игамбердиев, Нигина Ҳайитбоева каби ўқувчилар вилоят босқичида 1-ўринга сазовор бўлишди.

Ўқув масканидаги ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг севимли масканига айланган бўлиб, ёшларнинг маънавий-маърифий билимларини оширишда пухта замин яратмоқда. Қулай, замон талабларига мос ўқув зали, 21415 та умумий китоб фондига эга бўлган мазкур кутубхона доимо ўқувчилар билан гавжум. Ахборот-ресурс маркази интернет тармоғига уланган. Шунингдек, бу ерда “Фаол китобхонлар” клуби ҳам ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар ўртасида “Китоб — яқин дўст”, “Маънавият — китобдандур” каби турли кўриктанловлар ташкил этилмоқда. Яқинда Жиззахдаги “Шарқ-зиёкор” фирмаси ва вилоят марказий кутубхонаси билан шартнома тузилиб, ахборот-ресурс марказини янги китоблар билан таъминлашга келишилди.

Шунингдек, ўқув юртида турли тадбирлар ҳам ўтказиб келинмоқда. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб адабий кеча, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ўқув-амалий конференция бўлиб ўтгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Шунингдек, ўқув даргоҳида ҳукуматимизнинг 2002 йил 5 июлдаги “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, Ғаллаорол тиббиёт коллежида ёшларга пухта билим бериш билан бирга уларнинг комил инсон бўлиб етишишлари учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.

Норқул МАЪМУР,
“Hurriyat” мухбири. ®

ФАОЛИЯТ

МОЛИЯ СОҲАСИДА ЎЗ ЎРНИМИЗ БОР

— дейди ДАТ “Асака” банкининг Навоий филиали бошқарувчиси ўринбосари Ўктам ЖУМАЕВ

ДАТ “Асака” банкининг Навоий филиали томонидан мижозларга кўрсатиб келинаётган сифатли ва малакали молиявий хизматлар кўламининг кенгайиши натижасида жамоанинг вилоят иқтисодиётида ўрни тобора мустаҳкамланиб, нуфузи ортиб бормоқда.

Суҳбатдошимизнинг қуйидаги сўзлари, фикрлари ҳам мазкур молиявий муассасада кейинги пайтда амалга оширилаётган ишлар кўлами хусусида бўлди.

— Мижозларимизнинг асосий қисмини якка тартибда фаолият олиб борувчи тадбиркорлар, шунингдек, хусусий корхона ва фирмалар ташкил қилади. Жорий йилнинг биринчи чорагида жамоамизда жами 904 та хўжалик субъектига хизмат кўрсатилди. Имкониятлардан оқилона фойдаланилаётгани натижасида ишимизнинг самарадорлиги ошди ва молия соҳасида банкимизнинг фаоллашуви таъминланди. Биргина мисол. Шу йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, жами активлар 16 миллиард 307 миллион 656 минг сўмдан зиёдни, шундан даромад келтирувчи активлар эса 6 миллиард 818 миллион 107 минг 800 сўмни ташкил этди. Энг муҳими, 111 миллион 956 минг сўмдан кўпроқ соф фойда олинди.

Қўшимча инвестицияларни жалб қилиш мақсадида йирик халқаро молия институтлари, хусусан, Осиё Тараққиёт банки томонидан ажратилган инвестицион кредит линияларининг иқтисодиётимизнинг турли соҳаларига йўналтирилаётганини ва бу ўзининг ижобий самарасини намоён этаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли деб ҳисоблайман. Масалан, шу кунгача 4 та кичик бизнес субъектларининг лойиҳалари молиялаштирилди. Ажратилган маблағнинг 14 миллион сўмини Осиё Тараққиёт банкининг кредит ресурслари ташкил қилади.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ишбилармон хотин-қизларга жами 48 миллион сўм кредит маблағлари берилгани ҳам фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга, мижозларга катта миқдордаги кредитлар ҳам берилмоқда. Масалан, транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш мақсадида бир тадбиркорлик субъектига автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун 580 миллион сўм миқдорида лизинг амалиётлари амалга оширилди. Натижада 5 дона “МАЗ” русумли автомашина харид қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги “Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқатиришга доир чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, молиявий муассасада нақд пул муомаласини яхшилаш ва миллий валютамиз қадрини мустаҳкамлаш бўйича ҳам ижобий кўрсаткичларга эришилаяпти. Масалан, банкимиз хазинасига жами 9 миллиард 215 миллион 400 минг сўм нақд пул маблағлари жалб қилинди. Ўз навбатида хўжалик субъектларига иш ҳақига ҳамда унга тенглаштирилган харажатларга, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун 4 миллиард 85 миллион 800 минг сўм нақд пул берилган.

Банкда доимий нақд пул тушумига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони 66 тани ташкил этади. Уларнинг 64 таси билан уч томонлама шартнома тузилиб, кунлик тушумлар банк хазинасига инкассация хизмати орқали топширилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Олтин куз», «Талаб қилиб олгунча», «Табассум», «Саховат», «Меҳнат», «Харидор», «Мадад — 2007», «Ипотека», «Барака», «Юбилей», «Оқ олтин», «Пахта», «Соғлом келажак», «Қалдирғоч», «Шодлик», «Бахтли аёл», «Мураббий», «Таътил — 2009», «Тақдим этувчига» (мижоз номи ёзилмайди) ҳамда «Бахтиёр ёшлик» омонат турлари, чет эл валюталари учун «Люкс», «Люкс — 1», «Люкс — 2» ҳамда «Фортуна», «Омад», «Актив», «Евро» ҳамда «Тақдим этувчига евро» омонат турлари очилган. Омонатлар аҳоли учун катта даромад келтираётгани боис уларга пул қўювчилар сони кўпайиб бормоқда. Айни пайтгача омонатларга 1 миллиард 902 миллион 900 минг сўм нақд пул маблағлари қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли омонатлари тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, иккита махсус касса ташкил этилди. Акциз маҳсулотлари билан савдо қилувчи хўжалик субъектига 18 та махсус ҳисобварақлар очилди. Натижада акцизли товарларни сотишдан тушган маблағларнинг тушиши ва махсус ҳисоб рақамлардан шу турдаги маҳсулот учун пул чиқарилиши устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Маълумотлар ҳар 5 кунда солиқ бўлимига ва шаҳар инкассация бўлимига тақдим қилинаяпти.

Тез сотиладиган ва харидоргир маҳсулотлар билан савдо қилувчи субъектлар ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар юзасидан ҳам доимий назорат ўрнатилиб, банк хазинасига топширилган нақд ва пул кўчириш усулида ўтказилган маблағлар таққосланиб, маълумотлар инкассация бўлимига тақдим этилмоқда. Шунингдек, 113 та бюджет ташкилотларига ҳам худди шундай малакали хизмат кўрсатилаяпти.

Валюта айирбошлаш борасида ҳам аҳолининг эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, 3 та валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 1050 евро миқдоридаги валюта маблағлари харид қилинди, 71050 АҚШ доллари ҳажмида валюта маблағлари сотилди. “Вестерн Юнион”, “Быстрая почта”, “Юнистрим”, “Близко” ва “Азия Экспресс” халқаро пул ўтказиш тизимлари орқали аҳолига хизмат кўрсатилаяпти. Улар орқали жорий йил бошидан буён 875 минг 173 АҚШ доллари миқдорида тўловлар ва 175 минг 265 АҚШ доллари миқдорида жўнатув амалиётлари амалга оширилди.

Шунингдек, пластик карточкалар билан ишлаш ҳам кенгайиб бормоқда. Банкда иш ҳақини пластик карточкалар орқали тўлаш лойиҳалари бўйича тузилган шартномалар сони 278 донани, жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар сони эса 69 тани ташкил қилди. Савдо масканларига терминаллар ўрнатишимизни сўраганлардан эса 146 та ариза қабул қилинди. Иш ҳақи лойиҳалари бўйича жами 24955 та пластик карточкалар тарқатилиб, бунинг ҳисобидан банкка жалб этилган маблағ 2 миллиард 970 миллион 390 минг сўмни ташкил этди. Ўрнатилган 119 та савдо терминалидан 8 таси коммунал тўловлар учун хизмат қилмоқда.

Молиявий муассасамизда ходимларнинг билим савиясини янада юксалтиришга, малакаларини оширишга ҳам катта аҳамият берилаяпти. Бугунги кунда жамоамизда 26 ходим бўлиб, улар узлуксиз равишда минтақавий банклар ва «Асака» банки ўқув марказларида ўтказиладиган семинарларда иштирок этиб, ўз билим ва тажрибаларини ошириб келишаётир.

Азамат САФАРОВ
ёзиб олди. ®

Валюта омонатлари диаграммаси

	01.04.2008	01.04.2009
Муддатли	134967,38	153076,2
Талаб қилиб олингунча	8074,88	332464,07
Халқаро пластик карточкалар	227,05	409335,63



	2006 йил	2007 йил	2008 йил
жами активлар	6 379	9 013	13 909
даромад келтирувчи активлар	4 943	3 812	6 690
фарқи фоизда	77%	42%	48%
жами даромад	1 121	1 053	1 720
жами харажат	923	890	1 437
соф фойда	198	162	283

МАДАНИЯТ

УЧРАШУВ

“АСАР БОР-У ТАНҚИДЧИ ЙЎҚ”

Инсон дунёга бир марта келади. Шундай экан, ҳаётидан, ўтган ҳар кунидан қониқиб яшаши — энг катта бахт. Айниқса, сўзи, иши, қизиқишлари виждонига мувофиқ келса, дунёда бундан улуғ саодат йўқ. Адабиёт эса кўнгил иши. Ижодкор юраги буюрганини ёзади.

Истеъдодли шоир Турсин АЛИнинг «Зангори овоз», «Изтироб остонаси», «Тун товуши», «Ёлғизим», «Уйғоқ сукунат», «Туйғулар ранги» номли қатор шеърий тўпламлари китобхонларга яхши таниш. Шоир билан суҳбатимиз ҳам бугунги адабий жараён, ижоднинг машаққатли ва тотли лаҳзалари ҳақида бўлди.

— Сиз Фарғона водийсида туғилгансиз. Келинг, суҳбатимизни қишлоқ муҳитидан бошласак. Ижодкорнинг сўз санъати оламига кириб келишида она қишлоғи қанчалик ўрин тутади, деб ўйлайсиз.

— Албатта, ижодкорга қишлоқ табиати, тупроғи, гиёҳидан тортиб улкан дарахтларигача, кенг, адоқсиз далалари, шарқираб оқадиган зилол сувлари илҳом бахш этади. У ана шу манзараларни юрагига кўчира олса, ҳолатларни қалбида сувратлантиролса ёхуд образ, тимсолларга айлантиролса, гўзал мисралар, теран асарлар дунёга келади.

Мен водийнинг анорзорга бой Қувасида туғилганман. Ҳовлимиз турли-туман мевали дарахтларга ғарқ бўлар эди. Ўнг ёндаги қўшнимиз девори ёқалаб, кекса ўриклар тарвақайлаб ўсган, чап қўшни томонда беҳи ва тут шохлари бир-бирига чирмашиб девор вазифасини ўтарди. Ҳовлимиз этагидаги тутлар остидан ўтган ариқчада сув жилдираб оқарди.

Дарахтзорларда укаларим учун боғланган беланчакни тебратиб-тебратиб Абдулла Қаҳҳорнинг “Нурли чўққилар” ҳикоялар тўпламини, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романини ўқиганим кечагидай ёдимда. Нақадар бахтиёр, завқли эди у чоғлар... Илк шеърларим ўша дамларда ёзилган.

— Назаримда, шеърият юрак тафтини қоғозга сингдиришдир. Дейлик, “Ўртар” ғазали шоир юрагини ўртаб чиққанини тингловчининг юрак-бағри “тилка-пора” бўлаётганидан сезса бўлади. Машҳур Кува анорларини эзиб сувидан роҳатланган одам каби юракни сиқиб-сиқиб шеър ёзмас экансиз, ёзганларингиз кишилар қалбига хузур бағишламаслиги мумкин...

— Ҳақиқий шеърни шоир юракдан ўтказиб, қоғозга туширса, ана ўшанда “Ўртар” ғазалидай шеърлар дунёга келади. Қалбларни ларзага солади, хаёлларни жунбушга келтиради. Аслида ҳақиқий шеър ёзилмайди, содир бўлади. Навоий, Бобур, Машраб, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир каби ва яна ўнлаб буюк шоирларимиз асарлари ҳамон қўлма-қўл ўқилиб, қалбларни забт этиб келаётгани бежиз эмас. Такрор айтаман, шоир ўртанишлари таъсирида ёзилган шеъргина ҳақиқий шеърга айланади.

— Яқинда “Ой япроғи” номли китобингизни ўқиб, очиғи тушкун кайфиятга тушдим. Муқоваси қора, сатрлар қора, кўпроқ қора ранглар тасвирланган. Сатрларнинг залвори бўлса-да, назаримда, кўпгина шеърлар тугалланмаганга ўхшаб қолгандек?

— Ҳақиқатдан ҳам “Ой япроғи” китобимдаги аксарият шеърлар тушкун кайфият меваси, буни тўғри англагансиз. Бу ўшанда руҳиятимда зуҳур этган ҳолатимдан пайдо бўлган бўлса, “Сокин ҳайқириқ” номли китобим хотирот ҳамда табиат манзараларининг руҳиятимга кўчган тасвири ҳисобланади.

— Бугунги шеъриятимиз ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳозирги шеъриятимиз шакл, услуб, оҳанг йўлида изланаётир ва маълум бир ютуқларга эришаётир ҳам. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов бугунги кунда марказий нашрларда қатор туркум шеърлари билан бизни ҳайрат оламига етаклаётир. Устознинг “Булбулим бор дейди ҳар қандай бўстон” номли туркумидаги “Италия”, “Харита”, “Манзаралар” каби шеърларида эзгулик ўтли туйғулар ила ёритилади. Ватан ардоқланади, ёвузлик эса лирик қаҳрамон қаҳр-ғазабига дучор бўлади. Абдулла Орипов шеърларидаги туйғулар мисоли чирсиллаб ёнаётган оловга ўхшайди. Турғун Алиматов хотирасига бағишлаб ёзган “Шарқ навоси” ёки миллатимиз урф-одатларини улуғловчи “Ўзбек тўни” каби ўнлаб шеърлари жозибадорлиги, ўзига хос мунг, изтироблари билан қалбларни ларза солаётир.

Ёки истеъдодли шоир Рустам Мусурмоннинг “Оққу”, “Келинчак”, “Бешик” номли шеърларидаги халқона, гоҳо майин, гоҳо шиддатли ҳайқириқ тўла оҳангли шеърлари бугунги шеъриятимизнинг мавжли тўлқинларидир. Ё бўлмаса, модернист шоир Баҳром Рўзимуҳаммад ижодига назар ташласак, унинг ҳар бир сатри муайян образли ифодага эга. Унинг шеърларида кутилмаган образлар, тасаввурга сиғмайдиган рамзий ифодалар, ташбеҳлар борки, бемалол жаҳон шеърияти олдида бўйлаша олади. Яна шундай бадиий жиҳатдан етук кўплаб шоирларнинг ижодидан мисоллар келтира оламан. Лекин мени ташвишга солаётган жиҳат шундаки, бугун адабиётшунослар бору, танқид йўқ. Гўё адабиётшуносларда “қайғу” йўқдек.

— Шеърият ўз оҳанги, ранги билан мафтункор. Мумтоз шеъриятимиз асрлар ошган бўлсада, ҳанузгача юракларни ўзига ром этади. Ҳазрат Навоийнинг сатрларидан ҳар ким ўзи учун зарур бўлган гулдастани саралай олади.

— Мумтоз шеъриятимиз мўъжиза бўлмаганида назм оламининг султони Навоийнинг ҳар бир байти эъзозланармиди? Асрлар қаъридан не-не шоирлар ижоди ҳайқириб турармиди? Ҳа, мумтоз шеърият сувда чўкмас, ўтда куймас бир мўъжизадир. Бугунги кунда Эркин Воҳидов, Жуманиёз Жабборов, Сирожиддин Саййид, Охунжон Ҳакимов, Исмоил Маҳмудлар арузнинг барча мураккабликларини ўзлаштириб, бутун гўзаллиги, жозибадорлиги ва рангин қирраларини асраб ижод этаётганлари қувончли ҳол.

— Сиз баъзан учлик, иккилик, гоҳо бирликдан иборат шеърлар ҳам ёзасиз. Модернистик шеъриятнинг кучи нимада деб ўйлайсиз?

— Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, кичик ҳажмли шеърларда руҳиятни чизиш ва фикр айтиш имкони катта бўлади. Шеър қанча қисқа бўлса, унда тагмаъно ва ишорага шунча кўп жой қолади деган эди таниқли адабиётшунослардан бири.

— Назаримда, шеъриятимиз Ғарб шеъриятидан нимаси биландир жозибалироқ бўлиб кўринаверади...

— Билсангиз, Ғарб шеъриятидан туйғуларга бой шеъриятни ўрганаяпмиз. Шеъриятимизни инкор этмаган ҳолда айтаман: айрим таниқли шоирларимизнинг шеърияти чўзиқлиги, ялангочлиги, ритрикага бойлиги билан ўқувчини зериктириб қўяётир. Бекорга Абдулҳамид Чўлпон, “Кўнгил бошқа нарса — янгилик қидиради” демаган эди. Шеърият ҳам вақти-вақти билан янгиланиб туради-да. Тўғри, Ғарб шеъриятидан кўра шеъриятимизнинг жозибадорлиги унинг она тилимизда ёзилишида деб ўйлайман. Қолаверса, бежиз немис халқининг буюк шоири Гёте Шарқ шеъриятининг нақадар улуғлигини тан олиб, “Ғарбу Шарқ девони” тузмаган эди. Шунинг учун биз ҳам Ғарб, Европа, Осиё адабиётини кўп ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Ахир, дунё адабиётини билмай, юксак шеърият яратиб бўлмайди.

Ахтамкул КАРИМ суҳбатлашди.

СПОРТ

БАРКАМОЛЛИК БАЙРАМИ

Маълумингизким, жорий йилнинг 29-31 май кунлари Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари — 2009” спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан 1792 нафар ўқувчи иштирок этган ушбу мусобақада спортнинг ўн икки тури — бадиий гимнастика, гандбол, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ҳамда белбоғли кураш бўйича баҳслар олиб борилди.

Қизғин курашларга бой кечган нуфузли мусобақада умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринни мезбонлар — сирдарёлик спортчи ёшлар эгаллашди. Учинчи ўрин эса Хоразм вилоятидан келган ўқувчиларга насиб этди.

Ҳар уч йилда бир марта ўтказиладиган “Умид ниҳоллари”нинг галдагисига Навоий вилояти мезбонлик қиладиган бўлди.

ФИФА РАҲБАРЛАРИ БРАЗИЛИЯДА



ФИФА раҳбарлари Бразилияга ташриф буюриб, 2014 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қиладиган шаҳарлар билан танишиб чиқди. Улар мамлакатнинг 17 шаҳридаги аҳволни ўрганишгач, 12 шаҳар номзодини илгари сурдилар.

— Бразилияда чемпионатни юқори савияда ўтказишга қизиқиш катта. Шунинг учун биз ҳал қилувчи қарорни қабул қилишга қийналдик, — дейди Халқаро футбол федерацияси президенти Зепп Блаттер ўтказилган матбуот анжуманида. — Биз мундиални юксак даражада ўтказишни хоҳлаймиз. Шаҳарлар танловида эса бу бош мезон қилиб олинди.

Шундай қилиб, жаҳон чемпионатига қуйидаги шаҳарлар мезбонлик қилади: Белу-Оризонти, Бразилиа, Куяба, Куритиба, Форталеза, Манаус, Натал, Порту-Алегри, Ресифи, Рио-де-Жанейро, Салвадор, Сан-Паулу.

“ОЛТИН БУТСИ” СОҲИБИ

Испаниянинг «Атлетико» футбол жамоаси аъзоси Диего Форлан фаолияти давомида иккинчи марта “Олтин бутси” мукофотини қўлга киритди. Хабарингиз бор, ушбу соврин Европа давлатлари чемпионатида энг кўп гол урган футболчига берилади. Уругвайлик ушбу ҳужумчи эса жорий мавсумда 33 та ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 32 та тўп киритишга эришган.

БОКСЧИНИНГ ҚИЗИ ВАФОТ ЭТДИ

Ўтган ҳафтада собиқ жаҳон чемпиони, XX асрнинг буюк боксчиси Майк Тайсоннинг қизи вафот этди.

Маҳаллий полициянинг маълум қилишича, машҳур чарм қўлқоп устасининг уйида бахтсиз ҳодиса юз берган. Яъни боксчининг тўрт ёшли Эскодус Тайсон исмли қизи чопиш йўлакчасида югураётганида дафъатан сирпаниб кетган ва сиртмоқ шаклида турган кабелга ўралиб қолган. Қизча ҳушсиз ётганида эса етти ёшли акаси келиб, уни шифохонага олиб борган. Шунга қарамай, қизча дунёдан кўз юмган.

ҒОЛИБ КЛИЧКОГА ҚАРШИ

Бутун жаҳон бокс ташкилоти украиналик Александр Дмитренко ва америкалик Эдди Чемберслар ўртасида бўлиб ўтадиган жанг ғолиби WBO йўналиши камарига асосий даъвогар бўлиш билан бирга жаҳон чемпиони мақомини қўлга киритади ва камарнинг амалдаги соҳиби Владимир Кличкога қарши жанг қилишини расман маълум қилди.

Маълумки, Александр Дмитренко профессионал рингда умуман мағлубиятга учрамаган. У фаолияти давомида 29 та жанг ўтказиб, уларнинг 19 тасини муддатидан олдин тугатишга эришган. Эдди Чемберс эса бор-йўғи бир марта рингдан бош эгиб чиқиб кетган.

Мазкур икки боксчи ўртасидаги мушт-лашув жорий йилнинг 4 июлида бўлиб ўтади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

“Чекмаганингиз учун раҳмат”

Яқинда пойтахтимиздаги ошхоналарнинг бирида ўтирганимда, деворга илиб қўйилган сарлавҳадаги сўзларни ўқиб, аввалига кулгим келди. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу бежиз битилган сўз эмас. Ростдан ҳам чекувчи одам нафақат ўзининг, балки атрофидагиларнинг ҳам саломатлигига путур етказади. Айниқса, аҳоли гавжум жойларда тамаки тутатаётганларни ғирт зараркунандалар десак, сира муболаға бўлмаса керак. Фикримиз далили сифатида илмий асосланган мисолларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, чекиш оқибатида тамаки таркибидаги зарарли моддалар ёнади ва парчаланади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ўша моддаларнинг 25 фоизи чекиш пайтида зарарлилик хусусиятини йўқотади. 20 фоизи эса кашанданинг организмига сингади. 5 фоизи сигарета қолдиғида қолади. Ачинарлиси, ўша зарарли моддаларнинг 50 фоизи атроф-муҳитга тарқалади, яъни шу ҳаводан нафас олаётган кишиларни заҳарлайди. Инчунун, чекмайдиган одамга раҳмат айтишни табиий қабул қилиш билан бирга аҳоли гавжум жойларда тамаки тутатишдан тийила оладиганларга икки карра раҳмат айтсак ҳам арзийди.

Халқаро чекишга қарши кураш куни арафасида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалида бўлиб ўтган анжуманда ҳам тамакининг инсон соғлигига кўрсатадиган турли зарарлари ҳақида сўз борди. Тадбир давомида айтиб таъкидланганидек, жаҳон миқёсида ҳар йили тамаки чекиш оқибатида 5 миллион одам вафот этмоқда. Ўпка раки касаллигига чалинган беморларнинг 90 фоизи кашандалик туфайли шу дардга йўлиққан. Чекувчи оталардан туғилган болаларнинг 100 дан 4 нафари нобуд бўлиши кузатилмоқда.

Табиий савол туғилади: тамакидан воз кечиш кераклиги халқаро муаммо даражасига кўтарилган экан, бу муаммони ҳал қилиш йўли борми? Худди шу савол билан нарколог шифокор Шерзод Юсуповга мурожаат қилдик.

— Кўп ҳолларда кашандалар дори-дармонлар ёрдамида ёки қатъий тизим асосида даволанишни хоҳлашмайди. Бундай ҳолларда мен уларга бир қулай ва оддий усулни тавсия қиламан. Яъни чекувчининг қўлига оқ қоғоз ва ручка бериб, уни ўртасидан иккига ажратишини айтаман ва қоғознинг бир томонига тамакининг фойдаси, иккинчи томонига унинг зарарини тўлиқ ёзишини сўрайман. Табиийки, у бошидан ўтказган ёки эшитган барча маълумотларини ёзади, — дейди Ш. Юсупов. — Сўнгра бемор билан тамаки чекиш туфайли организмда пайдо бўладиган касалликлар ва унинг ирсий оқибатлари ҳақида суҳбатлашамиз. Бундан кейин эса ундан тамакининг фойда ва зарарини қайтадан ёзиб чиқишини сўрайман. Бемор бу қоғозни ўзи истиқомат қиладиган хонанинг деворига илиб қўйса ва ёзувга тез-тез кўзи тушиб турса, тамакига қарши курашишда унинг иродаси янада кучайиб бораверади. Сигаретадан бутунлай воз кечиш учун эса одамдан фақатгина мустаҳкам ирода талаб қилинади.

Шу ўринда яна бир маълумотга диққатингизни тортмоқчиман: бир дона сигарета чеккан кишининг умри 6 дақиқага қисқарар экан. Энди ҳисоблаб кўрайлик-чи: бу заҳри қотилнинг 20 донаси инсон умрининг 2 соатига, 240 донаси эса ҳар лаҳзаси олтинга тенг ҳаётимизнинг бир суткасига зомин бўларкан. Балки турмуш ташвишларининг ўнқир-чўнқир йўлларида фақатгина тамаки менга ҳамроҳлик қила олади, дерсиз. Адашасиз. Сиз етган шу кунларга етолмай сарсон бўлаётганлар қанча?! Қолаверса, бу заҳри қотил чўнтагингизга ҳам дўстлик қилмаслигини ўзингиз ҳам биласиз. Ҳартугул, бу ғанимат ҳаётнинг ҳар онидан бахт топмоқ мумкин. Бахтнинг юксак чўққисига етиш учун эса энг зарур восита соғлиқ. Нима дедингиз?

Ситора ТОЖИДДИНОВА, “Hurriyat” мухбири.

АФЛОТУН

ТАФАККУР

(ПЛАТОН)

(Милоддан аввалги 428-347 йиллар)



Қадимги юнон файласуфи Афлотун Афина шаҳрида туғилиб ўсди. Унинг асл исми Аристокл бўлган. “Платон” унинг лақаби бўлиб, юнонча “кенг елкали” деган маънони англатади. Бу номни унга Суқрот берган. Афлотуннинг отаси Аристон Афинанинг охирги шоҳи Кодр авлодига мансуб эди. Афлотун аслзода афиналикларга хос бўлган риёзиёт, мусиқа, грамматика ва гимнастикадан таълим олади. Гераклит, Парменид, Зенон фалсафаси билан танишади. Милоддан аввалги 407 йилда Суқрот билан учрашган. Суқротнинг ўлимигача унинг энг яқин шогирдлари қаторида бўлган.

Унинг 25 га яқин шеърий усулда битилган миниатюра-эпиграммалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, 23 та асл нусхадаги ва 11 та унинг қаламига мансуб дея тахмин қилинадиган суҳбати, “Суқрот мадҳи” деб номланган нутқи, шунингдек, 13 та мактуби маълум. Афлотуннинг суҳбатлари қуйидагилардан иборат: “Протагор”, “Федон”, “Парменид”, “Тетет”, “Тимей”, “Критий”, “Лахет”, “Менон”, “Давлат”, “Сиёсатдон”, “Қонунлар”, “Федр”, “Филеб” ва бошқалар.

Афлотуннинг ёзишича, 12 минг йил олдин Гибралтар яқинида сирли қитъа мавжуд бўлиб, бир кеча-кундуз ичида денгиз қаърига чўкиб кетган. Юнон файласуфи ҳалокатнинг аниқ ўрнини кўрсатмаган, аммо унинг обрўйи шу қадар баланд эдики, дарҳол ғойиб бўлган атлантлар мамлакатини излашга киришилган. Уни ҳозир ҳам излашмоқда...

* * *

Афлотун ўлимидан олдин тушида оққушга айланиб, дарахтдан-дарахтга учиб юрганини, қуш овловчилар эса уни тутолмай сарсон эканликларини кўради. Суқротнинг шогирди бўлмиш Симмий бу тушни таъбирлаб, қуш овловчилар ўтмишдаги даҳоларнинг фикрларини шарҳловчи кимсалар эканини, Афлотуннинг бир йўла ҳам табиий, ҳам ахлоқий, ҳам илоҳий сифатларини жам этган фикрларини изоҳлашга уларнинг қурби етмаслигини айтади.

* * *

Турфа одамларнинг турлича фикр юритиши натижасида ҳамфикрлик йўқолади ва натижада ҳар бир одам бошқа бир одамдан унинг фикрлаш тарзи учун нафратлана бошлайди.

* * *

Шоир — агар у ҳақиқий шоир бўлишни истаса, шунчаки фикр эмас, афсоналар яратмоғи лозим.

Тўпловчи ва таржимон Саида ЖЎРАЕВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 13563 Буюртма — Г-554 2345678